

Бу китобни ҳаёtimнинг улуғ
педагогларига - ота-онамга
бағишлайман

КИРИШ

Жамиятимизнинг ҳар бир фуқароси ХХI аср бўсағасида турар экан, ортда қолган йиллар кадрини баҳолашга ва келажак ҳаётининг турли жабҳаларини белгилаб олишга уриниши табиийдир. Жумладан, халқ таълими соҳасида фаолият кўрсатаётганлар ҳам бундан мустасно эмас.

Педагогика фанида ўқитиш жараёнининг икки томонлама - ўқувчи томонидан бажариладиган ўқув фаолияти ва ўқитувчининг ўргатувчилик фаолияти йиғиндисидан иборат эканлиги эътироф этилади. Бу қондани инкор этиб бўлмагани каби замонавий таълим мазмуни умуминсоний ва миллий тажрибалардан ташкил топишидан ҳам кўз юмиш мушкул.

Республикамиз Президенти Ислон Каримов таълим тушунчасига миллий дидактик нуқтаи назардан ёндашиб қуйидагича таърифлайди: “Таълим ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаолиятини бахш этади. ўсиб келаётган авлоднинг барча энг яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади“(2). Таъкидланган мақсадни амалга ошириш учун таълимнинг янги модели яратилди ва унинг келажакдаги “портлаш эффекти“ Юртбошимиз томонидан илмий асослаб берилди. Моделни амалиётга тадбиқ этиш ўқув жараёнини технологиялаштириш билан узвий боғлиқдир. Дарвоқе, илмий техникавий тараққиёт ишлаб чиқаришнинг кўп сонли тармоқлари (саноат, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт ва бошқа) билан бир қаторда маданият соҳасига, ижтимоий-гуманитар билимлар доирасига ҳам янги технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда. Шу боисдан Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида “ўқув-тарбиявий жараёни илғор педагогик технологиялар билан

таъминлаш“ эътироф этилди, унинг иккинчи ва учинчи босқичларида бажариладиган жиддий вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Нима учун бугунги кунда педагогик технологиянинг назарий асосини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш зарурати туғилди? Анъанавий ўқитиш тизими, айтиш мумкинки, ёзма ва оғзаки сўзларга таяниб иш кўриши туфайли “ахборотли ўқитиш“ сифатида тавсифланади, чунки ўқитувчи фаолияти биргина ўқув жараёнининг ташкилотчиси сифатида эмас, балки нуфузли билимлар манбаига айланиб бораётганлигини таъкидлаган ҳолда баҳоланмоқда. Бу бир томондан.

Иккинчидан, илмий-техник тараққиётнинг ривожланаётган босқичида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги ва улардан ўқитиш жараёнида фойдаланиш учун вақтнинг чегараланганлиги, шунингдек ёшларни ҳаётга мукаммал тайёрлаш талаблари таълим тизимида янги технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда.

Кўлингиздаги китоб муаллифнинг қатор йиллар давомида олиб борган илмий изланишлари мевасидир, қолаверса, педагогиканинг янги соҳаси бўйича ўзбек тилида яратилган биринчи манба ҳисобланади. Унда янги педагогик технология моҳияти, ривожланиш тарихи, мавжуд илмий ёндашувлар батафсил таҳлил қилинади ва бу мураккаб феноменни лойиҳалаш қонуниятлари маълум педагогик тизим доирасида тушунтирилади.

Замонавий педагогик технология лойиҳасини ёритишда муаллиф устози В.П.Беспальконинг “педагогик тизим” назариясидан, шунингдек, чет эл тажрибаларидан, мамлакатимиз таълим тизимида тўпланган илк маълумотлардан кенг фойдаланади.

Муаллифнинг Ўзбекистонда педагогик технология концепциясини ривожлантириш истиқболлари ғояси Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури талаби сифатида эътироф этилади ва мамлакатимизда Педагогик технология Давлат Марказини ташкил этиш зарурати мавжудлиги илмий асослаб берилди.

Мамлакатимиз таълим фазосида рўй бераётган туб бурилишлар ҳар бир таълим муассасасида дидактика соҳасини жонлантиришни талаб этади, янгиликни жорий этиш йўли эса ҳар доим мураккаб ва узоқ. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, педагог технология яқин йиллар ичида дидактик янгиликка киришишнинг асосий манбаи бўлиб қолади.

Китобнинг асосий мазмуни “Маърифат” газетаси саҳифаларида “Pedagogik texnologiya” руқини остида чоп этилди. Педагог назариячилар ва амалиётчилар диққат - эътиборидан четда қолмайди деган умиддамиз.

1-қисм. ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ - ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧИ

1.1. Таълимни ривожлантиришнинг янги босқичида педагогик технология моҳияти ва муаммолари

Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий омилларидан бири “шахс манфаати ва таълим устуворлиги”дир. Бу омил давлатимизнинг ижтимоий сиёсатини белгилаб берганлиги туфайли таълимнинг янги модели яратилди.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан бу моделни амалга ошириш билан ҳаётимиз жабҳаларида рўй берадиган “портлаш эффекти” натижалари рўй-рост кўрсатиб берилди, яъни:

- ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилади ва натижада мамлакатимиздаги мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради.;
- инсоннинг ҳаётидан ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади;
- жамиятда мустақил фикрловчи эркин Шахснинг шаклланишига олиб келади;
- жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади;
- фуқаролик жамияти қуришни таъминлайди, модел воситасида дунёдан муносиб ўрин олишга, ўзбек номини янада кенг ёйиб тараннум этишга эришилади (3, 21).

“Портлаш эффекти” сари шижоат билан қадам ташлаш, йўлларда учрайдиган қийинчиликларни босқичма-босқич ва изчил ҳал этиш масалалари нафақат педагог назариячи ва амалиётчиларни жунбушга келтиради, балки жамиятимизни тўлиқ педагоглаштириш муаммосини ижтимоий буюртма сифатида келтириб чиқаради. Демак, жамиятимизнинг ҳар бир фуқаросини тарбияшунослик асослари билан таништириш, ёш авлодни баркамол инсон қилиб вояга етказиш жараёнини янги педагогик “қурол” ва воситалар билан таъминлаш давр тақозосидир.

Педагогик технология (ПТ) - шундай билимлар соҳасики, улар ёрдамида 3-минг йилликда давлатимиз таълим соҳасида туб бурилишлар юз беради, ўқитувчи фаолияти янгиҳланади, талаба ёшларда ҳурфикрлилик, билимга чанқоқлик, Ватанга меҳр-муҳаббат, инсонпарварлик туйғулари тизимли равишда шакллантирилади

Маълумотлилик асосида ётувчи бош ғоя ҳам табиат ва инсон узвийлигини англаб етадиган, авторитар ва сохта тафаккурлаш усулидан воз кечган, сабрбардошли, қаноатли, ўзгалар фикрини ҳурматлайдиган, миллий-маданий ва умуминсоний кадриятлар каби шахс сифатларини шакллантиришни кўзда тутган инсонпарварлик ҳисобланади. Бу масаланинг ечими қайси даражада таълимни технологиялаштириш билан боғлиқ?

Дастлаб “технология” тушунчасига аниқлик киритайлик. Бу сўз техникавий тараққиёт билан боғлиқ ҳолда фанга 1872 йилда кириб келди ва юнонча икки сўздан - “технос” (techne) - санъат, ҳунар ва “логос” (logos) - фан сўзларидан ташкил топиб “ҳунар фани” маъносини англатади. Бироқ бу ифода замонавий технологик жараёни тўлиқ тавсифлаб беролмайди. Технологик жараён ҳар доим зарурий воситалар ва шароитлардан фойдаланган ҳолда амалларни (операцияларни) муайян кетма-кетликда бажаришни кўзда тутди. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, технологик жараён - бу меҳнат қуроллари билан меҳнат объектлари (ҳом ашё)га босқичма-босқич таъсир этиш натижасида маҳсулот яратиш борасидаги ишчи (ишчи-машина)нинг фаолиятидир. Ана шу таърифни тадқиқот мавзусига кўчириш мумкин, яъни: ПТ - бу ўқитувчи (тарбиячи)нинг ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчи(талаба)ларга муайян шароитда таъсир кўрсатиши ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларни интенсив шакллантириш жараёнидир.

Юқорида келтирилган таърифдан кўриниб турибдики, ПТ тушунчасини изоҳлашда технология жараёни асос қилиб олинди. Аслини олганда ҳам бу тушунчага берилган таърифлар сони педагогик адабиётларда ниҳоятда кўпдир. Педагогик нашрларда “технология” атамасининг хилма-хил

кўринишларини учратиш мумкин: “ўқитиш технологияси“, “ўқув жараёни технологияси“, “маълумот технологияси“ ва ҳоказо.

Ўқитиш технологияси ПТга яқин тушунча бўлса-да, айнан ўхшаш маънони англатмайди, чунки у маълум предмет, мавзу ва саволлар доирасидаги аниқ ўқув материални ўзлаштириш йўлини муайян технология атрофида ифода этади. У кўпроқ хусусий методика билан бир жинслидир.

ПТ эса маълумот технологиясини жорий этиш тактикасини ифодалайди ва “ўқитувчи - педагогик жараён - ўқувчи(талаба)” функционал тизим қонуниятларига тегишли билимлар асосида қурилади.

Ҳозирги кунда ўқитувчилар методикани кўп ҳолларда технологиядан ажрата олмаптилар. Шу боисдан бу тушунчаларни аниқлаштириш керак бўлади. Методика ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар мажмуасидан иборат. Методикадан кўзланган мақсад предмет мавзуларига оид назарияларни аниқ ҳодисалар текислигига кўчиришдир. Мисол учун, газ қонунларини тушунчаларини шакллантириш методикаси ёки энергиянинг сақланиш қонунини физика курсининг электр бўлимида қўллаш методикаси ва ҳ.к.

ПТ ўқитиш жараёнинг ўзаро боғлиқ қисимларини ташкилий жиҳатдан тартибга келтириш, босқичларни қуриш, уларни жорий этиш шартларини аниқлаш, мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда белгиланган мақсадга эришишни таъминлайди. Ёхуд ПТ ўқитувчининг касбий фаолиятини янгиловчи ва таълимда яқиний натижани кафолатлайдиган муолажалар йиғиндисидир. Технология ўзининг эгилувчанлиги, натижаларнинг турғунлиги, самарадорлиги, олдиндан лойиҳаланиш зарурати билан методикадан фарқланиб туради.

Шу билан биргаликда маълум вақт давомида ПТ ўқув жараёнини техник воситалар ёрдамида амалга ошириш, деб қараб келинди. Фақат 70 - йиллардан бошлаб педагогик адабиётларда бу тушунчанинг моҳияти янгича талқин этила бошланди. Япон олими Т. Сакамото томонидан “ўқитиш

технологияси - бу ўқитишнинг мақбуллигини таъминловчи йўл-йўриқлар тизими билан боғлиқ билимлар соҳаси“ эканлиги эътироф этилади (32, 126).

Объектив борлиқни ўрганишнинг тизимли ёндашиш методи фанда кенг қўламда қўлланилгач, унинг таъсири остида аста-секинлик билан ПТ моҳиятига ҳам аниқлик киритилди: рус олимаси Н.Ф. Тализина технологияни “белгиланган ўқув мақсадига эришишнинг оқилона усуллари аниқлашдан иборат“ деб тушунтиради. Шунингдек, олима замонавий ўқитиш технологияси ҳақида фикр юритиб, уни алоҳида фан сифатида қараш лозимлигини ўқтиради: “ўқитиш технологияси - бу ўқув жараёни нима реал тавсифласа ўша, ўқитувчига ўрнатилган мақсадларга эришиш учун нимага таяниш зарур бўлса ўша. Бу алоҳида фан. (26,93).

ПТни фан сифатида эътироф этиш К.К. Селевко томонидан ҳам маъқулланди: “Педагогик технология ўқитишнинг бирмунча оқилона йўллари тадқиқ қилувчи фан сифатида ҳам (таъкид бизники - Н.С.) , таълимда қўлланиладиган усуллар, принциплар ва регулятивлар сифатида ҳам, реал ўқитиш жараёни сифатида ҳам мавжуддир” (24,15). Олимнинг таъкидлашича “педагогик технология” тушунчаси таълим амалиётида уч иерархик даражада ишлатилади:

1) Умумпедагогик (умумдидактик) даража : умумпедагогик (умумдидактик, умумтарбиявий) технология маълум минтақада , ўқув юртида , маълум ўқитиш босқичида яхлит таълим жараёни тавсифлайди.

2) Хусусий методик (предметли) даража: хусусий предметли ПТ “хусусий методика” маъносида қўлланилади, яъни таълим ва тарбиянинг аниқ мазмунини жорий этиш методлари ва воситалари йиғиндиси сифатида бир предмет. синф, ўқитувчи доирасида қўлланилади (фанларни ўқитиш методикаси , ўқитувчи, тарбиячининг ишлаш методикаси).

3) Локал (модулли) даража : локал технология ўзида ўқув - тарбиявий жараённинг айрим қисмларини, хусусий дидактик ва тарбиявий масалалар енчимини ўзида мужассамлаштиради (алоҳида фаолият турлари технологияси, тушунчаларни шакллантириш, алоҳида шахс сифатларини

тарбиялаш , дарс технологияси, янги билимларни эгаллаш, мустақил ишлаш технологияси ва бошқа).

И.Я. Лернернинг фикрича, ПТ - “ўқувчилар ҳаракатларида акс этган ўқитиш натижалари орқали ишончли англаб олинадиган ва аниқланадиган мақсадни ифодалашни тақозо этади“ (13).

Юқорида келтирилган таърифлардан кўриниб турибдики, ПТ белгиланган бошланғич мақсад ва мазмун асосида ўқув жараёнини лойиҳалаш сифатида талқин этиляпти. Бу бир жиҳатдан тўғри, лекин теранроқ фикр юритилса унинг бир ёқламалиги кўзга яққол ташланади ёки бундай ёндашувларда ўқувчи шахси инкор этиляпти. Бу камчиликни биринчи бўлиб академик В.П. Беспалько пайқайди ва ўзининг йирик асарида “ПТ - бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёнининг лойиҳасидир“ деб таърифлади (5). Бу таъриф мазмунидан муҳим илмий принципларни алоҳида ажратиш кўрсатиш мумкин:

- ПТ ўқувчи(талаба)ларда маълум ижтимоий тажриба элементларини шакллантириш учун лойиҳаланади;

- лойиҳаланган тайёр технологияни амалга ошириш фан ўқитувчисидан катта маҳорат талаб этмайди;

- яқиний натижа, албатта , кафолатланади.

ПТ тушунчасини ойдинлаштиришга қаратилган таърифларнинг хилма-хиллиги, бир томондан, ривожланган мамлакатларда бу мавзунинг у ёки бу даражада ечилганлигини кўрсатса, иккинчи томондан, ПТни амалиётга жорий этишга бўлган уринишлар натижасини ифодалайди.

қатор йиллар давомида ПТ назарияси ва амалиёти бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўрганилиб келинди. Натижада ўқитиш жараёнини такомиллаштиришга ёки ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ривожлантиришга қаратилган у ёки бу илғор методикалар технологиялар даражасига кўтарила олмай аста-секинлик билан ўз мавқеини йўқотиб педагогика фанидан узоқлашиб кетмоқдалар. Мисол учун, 60-йилларда катта

шов-шувга сабаб бўлган “Дастурли таълим“ (Программированное обучение) ёки 70-йилларда собиқ иттифок миқёсидаги “Шаталовчилик ҳаракат“ини эслаш кифоя.

Бугунги кунда мамлакатимизда мутахассисларнинг илмий салоҳиятини бирлаштиришга имкониятлар етарли. Назария ва амалиёт бирлигининг таъминланиши ПТнинг асл моҳиятини аниқлашга йўл очади. Фикримизча, янги ПТ педагогика фанининг алоҳида тармоғи сифатида ёки фақат таълим амалиётини мақбуллаштиришга йўналтирилган тизим деб қараш мумкин эмас. ПТ бу соҳадаги назарий ва амалий изланишларни бирлаштириш доирасидаги фаолиятни акс эттиради.

Дарвоқе, ПТга “янги“ сўзини қўшиб ишлатилиши назариячи олимлар ва ўқитувчиларни бир қадар ўйлантириб қўйди, эндиликда таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга эскича ёндашиш мумкин эмаслигини англашга ҳаракат қилмоқдалар. Шундай экан, “янги ПТ“ нимани англатади? Бу саволнинг ечимини изоҳлашга ҳаракат қиламиз.

Биринчидан, ПТ таълим (тарбия) жараёни учун лойиҳаланади ва белгиланган мақсадни ечишга қаратилади. Бинобарин, ҳар бир жамият шахсни шакллантириш мақсадини аниқ белгилаб беради ва шунга мос ҳолда маълум педагогик тизим (мактаб, коллеж, олий ўқув юрти) мавжуд бўлади. Бу тизимга узлуксиз равишда ижтимоий буюртма ўз таъсирини ўтказади ва таълим-тарбия мақсадини умумий ҳолда белгилаб беради. “Мақсад“ эса педагогик тизимнинг қолган элементларини ўз навбатида янгилаш заруратини келтириб чиқаради.

Кадрлар тайрлашнинг миллий дастури таълим-тарбиянинг мақсадини янги йўналишга бурди, яъни: “ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитдан тўла ҳолис этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш“ деб белгиланади. Демак, таълим-тарбиянинг мақсади бутунлай янгиланди, унга мос ҳолда мазмуннинг ҳам, педагогик жараённинг ҳам янгиланиши табиийдир.

Иккинчидан, фан ва техниканинг ривожланиши билан инсон фаолияти чегараси ниҳоятда кенгайиб борапти, аудиторияга ўқитиш имкониятлари катта бўлган янги технологиялар (саноат, қишлоқ хўжалиги, электрон, ахборот ва бошқа) кириб келмоқда. Рўй бераётган сифатий ўзгаришлар шундан далолат берадики, эндиликда “ўрганиш”нинг бирламчи жараёнлари анъанавий методика ва ўқитиш воситалари ромига сиғмай, ўқитувчининг индивидуал қобилиятларига мос келмай қолди. Янги методикаларни талаб этадиган ва таълим жараёнининг ажралмас қисмига айланиб бораётган ва унга ўзининг маълум хусусиятларини жорий этадиган янги техникавий, ахборотли, полиграфик, аудиовизуалли воситалар мавжудки, улар янги ПТни реал воқеликка айлантирди.

ПТ моҳият жиҳатдан бошқа технологиялар билан бир сафда туради, чунки улар ҳам бошқалари қатори ўз хусусий соҳасига, методлари ва воситаларига эга, маълум “материал” билан иш кўради. Бироқ ПТ инсон онги билан боғлиқ билимлар соҳаси сифатида мураккаб ва ҳаммага ҳам тушунарли бўлмаган педагогик жараёнини ифода этиши билан ишлаб чиқариш, биологик, ҳатто ахборотли технологиялардан ажралиб туради. Унинг ўзига хос томонлари - тарбия компонентларини мужассамлаштирганидир.

ПТ бошқа соҳалардаги технологик жараёнлар билан узлуксиз бойиб боради ва анъанавий ўқув жараёнига, унинг самарасини оширишга таъсир кўрсатишнинг янги имкониятларини эгаллаб олади. Афсуски, бу жараён ҳозирги таълим тизимида жуда қийин кечяпти, ҳақиқий компьютерли ПТ ўзининг илмий ишланмасини кутяпти: “компьютерларнинг шу кундаги қўлланиши - экстенсивлик холос: анъанавий ўқув курслари шунчаки экран мониторида жойлаштириляпти“(7). Шу ерда ПТ ва ахборот технологияси ўртасидаги ўзаро муносабатни ойдинлаштириш лозим бўлади. Кейинги вақтларда баъзи бир олимлар (айниқса информатика фани вакиллари) ПТни ахборотлаштиришга қўшиш ёки тенглаштириш (баъзан устун қўйиш)ни

ёкламоқдалар. Бу уринишлар агар хато бўлмаса, шубҳасиз “подадан олдин чанг чиқаришдир“. Ёқув-тарбиявий жараёни технологиялаштириш тарихий (айниқса XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб) воқелик ва жараёндир. Ахборотлаштириш бу жараёндаги инқилобий “бурилиш“, унинг муҳим босқичидир. Оддий тил билан айтганда таълимда ахборот технологияси - бу “ўқувчи - компьютер“ ўртасидаги мулоқотдир.

Ахборотли технология ПТнинг таркибий қисми, техник воситаларнинг мукамаллашган замонавий тури сифатида таълим жараёнида қўлланила бошланди. Келажакда иқтисодий бурхонлар ортида қолиб ўқув юртлари дастурли “машина“ билан етарли даражада

таъминланади. Шундагина ахборотли технология асосида ўқувчи (талаба)ларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш имконияти туғилади ва у ўқитувчининг яқин кўмакдошига айланади ёки унинг функцияларини тўлиқ бажариши мумкин.

Таълимни технологиялаштириш объектив жараён эканлигини, замонавийлиги эса илмий-техник тараққиёт йўналиши билан белгиланишини эътироф этган ҳолда ПТнинг ўзига хос томонлари ва яқин келажакда у билан боғлиқ вазифаларни белгилашга ҳаракат қиламиз:

1) кўп босқичли таълим тизимида ПТнинг ўрнини асослаш ва зарурий тавсияномалар ишлаб чиқиш;

2) замонавий саноат, тиббиёт, иқтисодиёт, экология, эргономия каби соҳа технологиялари билан ПТларни мунтазам равишда янгилаб бориш ва табақалаштирилган ёндашув асосида уларни қўллаш мезонларини аниқлаш;

3) истиқболли ўқитиш воситаларини яратиш ва уларга таянган ҳолда илғор ПТларни лойиҳалаш, амалиётга жорий этиш, оммалаштириш ва самарасини аниқлаш;

4) тегишли бошқарув органлари (Таълим марказлари) томонидан ўқув муассасалари фаолиятида янги ПТларни тадбиқ этилиши даражасини назорат қилиш ва баҳолаш;

5) республикадаги олий (ўрта махсус, касб-хунар, мактаб) таълим тизимида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларни малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида илғор педагог ва ахборот технологиялари бўйича янги билимлар тизими билан куrollантиришни узлуксиз ташкил этиш;

6) олий ўқув юртлари талабалари, айниқса, мутахассис-педагог (иқтисодчи-педагог, ҳуқуқшунос-педагог, мухандис-педагог ва бошқа)лар учун 40 соат ҳажмида ПТ назарияси ва амалиёти бўйича махсус курс жорий этиш;

7) республикада фаолият кўрсатаётган ижодкор ўқитувчилар иш услубларини мунтазам ўрганиб бориш ва улар томонидан яратилган методикаларни янги педагогик технология даражасига кўтариш борасидаги ишларни амалга ошириш;

8) ўқитувчи фаолиятини педагогик технология қонуниятларига мослаштириш муаммолари ва бошқалар.

Хўш, белгиланган вазифаларни амалга ошириш ва назорат қилишни ким ўз зиммасига олиши мумкин? Халқ таълими вазирлигими ёки Олий таълим вазирлиги? Эҳтимол, Таълим марказларининг вазифасидир? Ёки ҳар қайси таълим муассасалари ўз ҳолича ечаверадимиз? Биз бу саволлар билан таълим соҳасидаги у ёки бу бошқарув органларига вазифа юклаш фикридан йироқмиз. Айни шу кунларда ваколатли давлат органларининг кун тартибида ҳам ПТ муаммолари турганлигига шубҳа йўқ.

Фикримизча, илғор педагогик технологияларни лойиҳалаш ва ҳаётга тадбиқ этиш муаммоси мамлакатимизда ҳам ривожланган давлатлар қатори янги корхона - “Педагогик технология Давлат Марказ”ини тузишни тақозо этади. Агар шундай Марказ ташкил этилса, биринчи навбатда “портлаш эффекти” сари йўлни қисқартиришга ҳисса қўшган бўларди. Учинчи минг йилликда таълим тараққиётининг ҳаққоний двигатели сифатида ўқитувчи фаолиятини янгилашга, таълим-тарбия жараёнини мақбул (оптимал) куришга, талаба ёшларда хурфқрелик, билимга чанқоқлик, Ватанга

содиклик, инсонпарварлик туйғуларини шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатар эди.

1.2. Педагогик технология концепциясининг ривожланиш тарихи

Янги ўзбек давлатчилигининг тамал тоши қўйиляпти: ижтимоий, иқтисодий, маънавий, мафкуравий соҳаларда туб ислохатлар амалга оширилмоқда. Таълим-тарбия соҳасининг ислох қилиниши педагогика фанини ривожлантириш учун қулай имкониятлар яратиб берди. Эндиликда кишилиқ жамияти томонидан узоқ йиллар давомида яратилган тарбияшунослик тажрибаларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш ишлари кенг йўлга қўйилди.

Шўролар тузуми даврида барча ижтимоий фанлар каби педагогика ҳам коммунистик мафкура қобиғи билан ўралган, унинг ривожланиш меъёри чекланган, илғор чет мамлакат ғоялари эса буржуа ғоялари, деб танқид қилинар ва рад этилар эди. ҳолбуки ҳар қандай ғоя ҳам ўзида маълум ижобий жиҳатларни мужассамлаштириши мумкин, уларни амалиётга жорий этиш фойдадан холи эмас эди. Жумладан, педагогик технология (ПТ) ҳам буржуа дидактикасига тегишли йўналиш сифатида қараб келинди ва бу муаммони тадқиқот объектига айлантириш илож йўқ эди.

Бугун мамлакатимиз истиқлоли шарофати туфайли барча фан соҳаларини ривожланган давлатларда тўпланган тажрибалар асосида таҳлил қилиш ва янада такомиллаштириш имкониятлари мавжуд. Умуминсоний кадриятларни ижодий ўрганиш ва ҳаётимизга тадбиқ этиш даври келди. Миллий дастурда таъкидланганидек, яқин келажакда “кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликнинг халқаро ҳуқуқий базаси яратилади, халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари рўёбга чиқарилади, халқаро таълим тизимлари ривожлантирилади”.

Бу фаслда биз педагогик технология назариясининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихига назар ташлаймиз.

30-йилларда “педагогик техника” тушунчаси махсус адабиётларда пайдо бўлди ва у ўқув машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишга йўналтирилган усул ва воситалар йиғиндиси сифатида қаралди. Шунингдек, бу даврда ПТ деб ўқув ва лаборатория жиҳозлари билан муомала қилишни ууддалаш, кўргазмали қуроллардан фойдаланиш тушунилди.

40-50 йилларда ўқув жараёнига ўқитишнинг техник воситаларини жорий этиш даври бошланди. Айниқса кино, радио, назорат воситалари, улардан фойдаланиш методикаси ПТга тенглаштирилди.

60-йилларнинг ўрталарида бу тушунча мазмуни чет эл педагогик нашрларда кенг муҳокамага тортилди. 1961 йилдан бошлаб АҚШда “Педагогик технология” (Educational Technology), 1964 йилдан Англияда “Педагогик технология ва дастурли таълим” (Technoogy and pragrammed Learning), Японияда эса 1965 йилдан “Педагогик технология” (Educational Technology) журналлари чоп этила бошланди. 1971 йилда худди шу номли журнал Италияда чиқарила бошланди.

ПТ муаммосининг ўта долзарблиги ҳисобга олиниб, унинг илмий асосларини тадқиқ қилиш мақсадида махсус корхоналар тузилди. Мисол учун, 1967 йилда Англияда педагогик технология Миллий Кенгаши (National council for Educational Technology) ташкил этилди ва 1970 йилдан бошлаб “Педагогик технология журнали” (Jornal of Educational Technology) чиқа бошлади. АҚШнинг қатор университетлари ва илмий марказларида ҳам ПТ муаммоларига жиддий эътибор берилди. 1971 йилда махсус “Коммуникация ва технология Ассоциация”си (Association for Educational Communications and Technology) фаолият кўрсата бошлади. ҳозирги кунда бу ташкилотнинг барча штатларда ва Канадада 50 дан зиёд филиаллари ишлаб турибди.

Японияда ПТ муаммолари билан тўртта илмий жамият шуғулланмокда, фаол ҳаракатдаги педагогик технология Марказий Кенгашининг 22 та давлат университетларида марказлари мавжуд. ҳар уч ойда япон тилида чиқадиган

“Педагогик технология соҳасидаги тадқиқотлар” (Educational Technology Reslarch) журналларида йирик олимларнинг илмий ишлари ўз ўрнини топомқда. Яқинда Умумяпон педагогик технология Марказий Кенгаши (The Japanese Council of Technologu Centers) тузилиб, бу соҳада халқаро алоқалар ўрнатиш ишлари билан машхур.

Дидактиканинг бу йўналишига эътибор ниҳоятда ошиб боришини 70-йилларда ўтказилган қатор халқаро конференцилар тасдиқлайди. Шундай халқаро конференциялар 1966 йилдан бошлаб ҳар йили баҳорда Англияда ўтказилиб келинади ва анжуман материаллари “Педагогик технология жиҳатлари” (Àspects of Educational Technologu) номида нашр қилинади.

Шу каби маълумотларни келтиришни ғарб давлатлари мисолида яна ҳам давом эттириш мумкин, бироқ 1-расм бунга эҳтиёж

қолдирмайди. Юқоридагиларнинг ўзиёқ ПТ педагогика назарияси ва амалиёти соҳасидаги алоҳида ҳодиса сифатида диққат марказда турганлигини, 60-йиллардан бошлаб чет элларда янги йўналиш сифатида шаклланганлигини таъкидлаб турибди. Таҳлилларнинг кўрсатишича, бу даврда ПТ икки йўналишда муҳокама қилинди ва ривожлантирилди: биринчиси - ўқув жараёнига техник воситаларини қўллаш билан боғлиқ бўлса (шу жумладан дастурли таълимнинг техник воситалари), иккинчиси - ўқитиш технологияси масалаларини, яъни ўқув материалларни таҳлил қилишдан тортиб таълим жараёнини турлича нашрли ва техник воситалардан жамулжам фойдаланган ҳолда тизимли ташкил этишга қадар бўлган кенг доирадаги муаммоларни қамраб олади. Шу ерда биринчи конференция материаллари (1966 йил) тўпламнинг кириш мақоласида ёзилган жуда муҳим далилни келтириш ўринлидир: “икки тушунча - “педагогика“ ва “технология“ларни қўшиш мантиқи тортишувларга сабаб бўлаяпти. Чунки “технология“ сўзи синф хонасига техникани киритиш ва “дегуманизация“ (инсонпарварликдан воз кечиш) ғояси билан тавсифланиши педагогик касб вакиллари чўчитиши мумкин“. Албатта, бу фикр маълум даражада тўғри бўлиши мумкин. Бироқ технократик фикрлаш (техниканинг инсон ва унинг

кадриятлари устидан устунлиги) фанда қораланади ёки инсон ҳеч қачон “темир машина”га тобе бўлмайди, балки уни ўз ақл- заковати билан яратади ва бошқаради. Бу муаммонинг психологик жиҳатлари бўлиб кам ўрганилган соҳа.

70-йилларнинг бошига келиб ўқув жиҳозларининг турли хилларини ва ўқитишнинг предметли воситаларини лойиҳалаш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарурий шартлардан бирига айланди, уларсиз илғор методика ва ўқитиш шакллари самарасиз бўлиши, таълим сифатига эришиб бўлмаслиги англаб етилди. Шу боисдан социалистик лагердаги давлатларда ҳам бу соҳада маълум ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Жумладан, 1965 йилда собиқ СССР Педагогика Фанлари Академиясида “Ўқув жиҳозлари ва ўқитишнинг техник воситалари” илмий текшириш институти ташкил этилди ва ҳозир ҳам Россия таълим академияси институти сифатида фаолият кўрсатаёпти. 1973 йилда Венгрияда “Ўқиш технологияси Давлат Маркази” бевосита ЮНЕСКО ташаббуси ва дастури асосида ташкил этилди ва унинг асосий вазифаси ўқитиш технологиясининг янги қирраларини кашф этиш, мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотларни ривожлантириш каби масалалардан иборат бўлди.

ЮНЕСКО инсонпарвар ва тараққийпарвар ташкилот сифатида халқаро муаммоларни ўрганиш билан мунтазам шуғулланиб келмоқда. 1971 йилда ЮНЕСКО собиқ бош директори Рене Маис Франция Бош вазири (айни вақтда Таълим вазири) Эдгаро Форага мурожаат қилиб махсус гуруҳга раҳбарлик қилишни, тезкор ўзгаришлар рўй бераётган бир шароитда жаҳон таълими олдига қўйилган мақсадни ва уни амалга ошириш учун ақлий ва моддий воситалар миқдорини белгилаб беришни илтимос қилди.

Шундай қилиб, 1972 йилнинг кеч кузида Буюк Британия ва Франция китоб дўконларида “Яшаш учун ўқиш. Дунё тарбияси бугун ва эртага” (Learning to be The world of education today and tomorrow) китоби пайдо бўлди. Бу воқеага роппа-роса 27 йил вақт ўтган бўлса-да, маърузанинг асосий ғояларини эслаш фойдадан холи бўлмайди. Боз устига бу китоб бошқалари

каби мамлакатимиз кенг аудиториясига кириб келмади, кутубхоналаримиз бойлигига айланмаган.

Комиссия томонидан жаҳон таълимининг жорий ҳолати таҳлил қилиниб асосий йўналишлари белгиланди. Комиссия миллий Концепция, шунингдек маориф ва тарбияни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш учун ўз тавсияларини ифода этди. Бу концепциянинг бош ғояси: инсон бутун ҳаёти давомида тикланиш ҳолатида бўлади, демак у ўз потенциалини фақат узлуксиз таълим жараёнидагина амалга оширади - доимо янгиликларни билишга ва мавжуд тажрибаларини фаоллаштиришга интилади. Шу боисдан маълумотлилик фақат маълум ҳажмдаги билимларни узатиш билан боғлиқ ҳолда эмас, инсон ўз ҳаёти давомида тикланиш жараёнининг мантиқини аниқлайдиган омил сифатида тушуниш керак. Энг асосийси, Эдгаро Форатомонидан “замонавий технология таълимни модернизациялашда ҳаракатланувчи куч” эканлиги қайд этилди.

Бу даврда таълим тизимидаги ўзгаришлар турли мамлакатларда турлича кечди: баъзи бирлари амалиётдаги мавжуд таълимни такомиллаштиришни авзал кўрсалар, бошқалари ўз олдиларига ҳозирги таълим тизимини янгисига алмаштиришни мақсад қилиб қўйди. Ниҳоят, учинчилари эса жамиятни ўзгартирмасдан туриб таълим тизимини ислоҳ қилиш мумкин эмаслигини, вақтни бой бермасдан ёшлар билан олиб бориладиган таълим-тарбиявий ишларнинг янги тизимини яратишга киришиш кераклигини эътироф этадилар.

Бугун Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил бораётганлиги учун кадрлар тайёрлаш тизими тубдан ислоҳ қилинди, давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлиги қарор топди. Ёқув-тарбиявий жараёни илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш зарурати ҳам Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш шартларидан биридир. Шу сабаб биз бу педагогик феноменнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш жараёнини ўрганишга тарихий ёндашмоқдамиз.

1977 йилда Будапештда ўтказилган ўқитиш технологияси бўйича Халқаро семинарда таълимни технологиялаштириш жараёни билан боғлиқ омиллар рус олими С.Г. Шаповаленко томонидан қуйидагича белгиланди:

- техникани билиш ва мукаммал эгаллаш;
- аудиовизуал фонди билан таниш бўлиш;
- техник воситалардан фойдаланиш методикасини эгаллаш.

Бироқ бу фикрнинг бир ёқламалиги яққол кўзга ташланади. Ундан фарқли ўлароқ ғоялар шу семинар иштирокчилари томонидан айтилди. Мисол учун, венгер олими Л. Салаи ўқитиш технологияси доирасини бир мунча кенгайтиришга уринади: режалаштириш, мақсад таҳлили, ўқув-тарбиявий жараёни илмий асосда ташкил этиш, мақсад ва мазмунга мос келадиган методлар, воситалар ва материалларни танлаш бевосита ПТни лойиҳалашдаги ўқитувчи фаолиятига хослигини таъкидлайди. Шунга яқин фикрлар, яъни ўқитиш технологияси ўзида ёрдамчи восита ва янги тизимни камраб олган ҳолда ўқув жараёнини ривожлантиришга, унинг ташкилий шакллари, методларини, мазмунини ўзгартирган ҳолда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг педагогик тафаккурлашига таъсир кўрсатиши Ж. Целлер томонидан таъкидланди. Бу маълумотлар шундан далолат берадики, 70-йиллар охирига келиб чет элларда техника ривожини ва таълимни компьютерлаш даражасига боғлиқ ҳолда ПТнинг иккита жиҳатлари алоҳида ажратилиб кўрсатилган ва тадқиқ қилинган: 1) ўқув жараёнига техник воситаларни жорий этиш; 2) амалий масалалар ечимини топишда билимлар тизимидан фойдаланиш. Мисол учун, Японияда бу даврда олиб борилган тадқиқотлар ўқув жараёнини технологиялаштиришнинг биринчи йўналиши, яъни таълимнинг янги техник воситаларини яратиш ва ўқув жараёнига қўллаш билан бевосита боғлиқ бўлган (Noshinisono Harou, Educational Technology in Japan, Audio shal Instruction, November, 1979).

Бундай ҳолат бошқа қатор давлатлар учун ҳам характерли бўлиб, ПТнинг иккинчи йўналиши - назарий-дидактик жиҳатлари 80-йилларнинг бошида АҚШ ва Англияда тадқиқот объектига айланди. Чунки “технология”

сўзи кенг маънода назарий билимларни амалиёт мақсадига кўчириш, бу кўчиришнинг аниқ йўллари ишлаб чиқиш зарурати эътироф этилди.

Шундай қилиб, 80-йилларда ПТнинг моҳиятини ойдинлаштиришга бўлган уринишлар янада давом эттирилди. Бу соҳа Россиялик педагог олимларнинг диққатини ҳам жалб эта бошлади. ПТнинг ривожланиш тарихи Т.А. Ильинанинг илмий мақолаларида буржуа дидактикасининг йўналиши сифатида талқин этилсада, у биринчилар қаторида ўз ҳамкасбларини бу муаммо билан шуғулланишга даъват этади ва чет эл мактаблари ва педагогикасида бу соҳадаги янги ва қизиқарли нашрларнинг барчасини кузатиш фойдали эканлигини алоҳида таъкидлайди. Шу боисдан 80-йилларнинг охири, 90-йилларда ПТнинг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ қилиш Россияда кенг йўлга қўйилди. Академик В.П. Беспальконинг 1989 йилда нашр этилган “Слагаемые педагогической технологии” (5) китоби бу соҳадаги йирик тадқиқотларнинг натижаси ҳисобланади. Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, 80-йиллардаёқ Владимир Павлович томонидан ПТнинг илмий мактаби яратилган эди ва китоб муаллифи ҳам шу даргоҳда таҳсил олганлигини алоҳида фахр билан тилга олади: Устоз ғояси: “ПТ - амалиётга жорий этиладиган маълум педагогик тизим лойиҳасидир”. Бугунги кунда ана шу концепция педагогик ҳамжамият томонидан тан олинди ва олимлар томонидан таълимли технологияларни лойиҳалаш ва ривожлантиришда фойдаланиб келинмоқда. Фикримизнинг далили сифатида “Педагогика” журналида чоп этилаётган қатор мақолаларни келтириш мумкин (15; 16; 29).

Хўш, ПТ мамлакатимиз таълим тизимида, қолаверса, педагогик нашрларда илмий тушунча тарзда қачон пайдо бўлди? Шубҳасиз, янги соҳа 1997 йилда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида долзарб тадқиқот объекти даражасига кўтарилди ва ижтимоий буюртма сифатида юзага қалқиб чиқди. Шу билан биргаликда мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ бу муаммога қўл урилди, аниқроғи 1993 йилда “Халқ таълими” журналида чоп этилган мақолада биринчи марта ПТ тушунчаси моҳияти, унинг таърифи ва маълум педагогик тизим доирасидаги талқини ёритилди (20).

Бугун эса ПТ мавзуси бўйича мамлакатимизда назарий ва амалий конференцияларни уюштириш, вақтли матбуотларда мақолаларнинг тез-тез кўзга ташланиб туриши ижтимоий воқеликка айланиб борётганлиги қувончлидир. 1997 йил май ойида Самарқанд Давлат Университетида ўтказилган “Олий таълимнинг ҳозирги долзарб муаммолари” Олий ўқув юртлариаро илмий-методик конференциянинг ялпи йиғилишида “Педагогик технология: концептуал таҳлил” мавзусида маъруза қилинди (20). Маърузада таълимни технологиялаштириш жараёни ижтимоий буюртма сифатида мавжудлиги эътироф этилди, ПТ таърифи, моҳияти ва тарихи ҳамда замонавий лойиҳаси методологик ёндашувлар асосида таҳлил қилинди.

ПТ муаммоларига оид олимларнинг фикрлари вақтли нашрларда, “Маърифат”, “Учитель Узбекистана” каби рўзномаларда мунтазам равишда ёритилиб турибди. Демак, бу мавзу назарияси ва амалиёти кўп минг сонли аудиторияга кириб бораёпти, ўқитувчилар кунлик фаолиятларида улардан фойдаланаётганлиги маълум.

Яқинда Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган “Таълимда янги педагогик технологиялар: муаммолар ва ечимлар” мавзуида Республика илмий - амалий конференцияни замон талабига ҳамоҳанг ҳаракат, деб баҳолаш мумкин. Конференцияда қатнашиш истагини билдирганлар ва ўз материалларини ташкилий қўмитага тақдим этганлар сони 300 тадан ошиб кетди. Афсуски, улардан 90 га яқини танлаб олиш ва китоб ҳолида чоп этиш имконига эга бўлди (27). Конференция материалларининг таҳлили шундан далолат берадики, бу муаммо ўзига нафақат назариячиларни, балки кўпроқ Халқ таълими тизимининг барча бўғинларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар ва тарбиячиларни ҳам жалб этмоқда. Шу билан биргаликда айрим маърузалар талаб даражасида эмаслиги ёхуд эски қолипдаги методикалардан фарқ қилмаслиги шуъбалар фаолиятида сезилиб қолди.

қўлимизда Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти томонидан чоп этилган “Прогрессивные педагогические технологии“. - Т., 1999 рисоласи (муаллифи - истеъфодаги полковник, муҳандис-олим

Фарберман Б.Л.). Унинг кириш қисмига назарингиз тушиши билан ҳайратдан ёқа ушлайсиз! : “Что же представляет собой педагогическая технология и чем она отличается от традиционных методов обучения? “ (3-б). Наҳотки муаллиф ПТни ўқитиш методи деб тушунади? Ёки у шунчалик педагогика фанидан йироқми? Ана шу саволлар оғушида ўқишни давом эттирамиз: “Бесспорно, ключевыми словами в этом определении являются “системный метод“, все остальные слова характеризуют компоненты педагогической технологии как системы“. Ана, холос! Юқоридаги шубҳалар наҳотки ўринли бўлса?! Олим “педагогик технология - тизимли метод” дея жар солади ва бу таърифни ЮНЕСКО “таърифи“, деб ишontiришга ҳаракат қилади. Бу ҳақиқат бўлиши мумкин, афсуски, ишда уни қайси манбадан олинганлиги номаълум бўлиб қолган. Боз устига педагогика фанида “tizimли метод“ мавжуд эмас ва методик адабиётларда ҳам бу тушунча мутлақо учрамайди. Рисоланинг 15 - бетини очамиз: “Педагоги Узбекистана недостаточна знакомы с педагогической технологией“ (Таъкид бизники - Н.С.). Очевидно, что исправлению этого положения необходимо уделить серьезное внимание“. Гапнинг очиги, мен бу фикрга қўшила олмайман ва олимнинг яна бир “камтарлиги“ деб баҳолайман. Ахир ПТ буржуа назарияси деб совет педагогикасида тан олинмаган эди-ку?! Шу боисдан бу феномен нафақат ўзбек педагогларига, балки собиқ иттифоқ педагогларига ҳам тушунарсиз эди. Мисол учун, Россия педагоглари ҳам ПТ муаммолари билан, асосан, 90-йиллардан бошлаб кенг доирада шуғуллана бошладилар. Ана шу даврдан бошлаб ўзбекистонлик педагог олимлар ҳам ПТни ўз тадқот объектига айлантирганидан домланинг хабарлари йўқ, шекилли. Хуллас, рисола ПТ талабларига тўлиқ жавоб бермаслигини, унда “тестология”га оид материаллар чет эл тажрибасидан, ПТга оид фикрлар эса ушбу китобнинг адабиётлар рўйхатида келтирилган 10-манбадан олинганлигини таъкидлаган ҳолда мунозарага нуқта қўямиз.

XXI асрга қадам қўйиш арафасида Г.К.Селевко томонидан ПТга оид йирик методологик асар - ўқув қўлланма яратилди ва унда педагогик

технологиялар таснифи келтирилади (24). Олим ПТларни ўн икки турга ажратади:

1. қўлланиш даражаси бўйича (умумпедагогик; хусусий предметли; локалли, модулли, тор педагогик).

2. Фалсафий асос бўйича (материализм, идеализм, диалектик, метофизик, инсонпарвар, ноинсонпарвар, антропософия, теософия, прогматизм, экзистенциализм, сционизм).

3. Рухий ривожлантиришнинг етакчи омиллари бўйича (биогенли, социогенли, психогенли, идеалистик).

4. Ёзлаштириш концепцияси бўйича (ассоциатив - рефлексорли, ривожлантирувчи, беҳевиористик, гештальттехнология, суггестив, нейролингвистик).

5. Шахс тузулмасига йўналтирилганлик бўйича (информацион, операцион, ҳаяжонли - бадий , ҳаяжонли - ахлокий, ўз-ўзини ривожлантирувчи, эвристик ва амалий).

6. Мазмуни ва тузулиш характери бўйича (таълимий ва тарбиявий, дунёвий ва динний, умумтаълим ва касбга йўналтирилган, гуманитар ва технократик, турлича соҳавий технологиялар, хусусий предметли ҳамда монотехнологиялар, политехнологиялар).

7. Ташклий шакллар бўйича (синф - дарс, муқобилли, академик, яқка тартибли, гуруҳли, жамоа бўлиб ўқиш усуллари, табақалаштирилган таълим).

8. Билиш фаолитятини ташкил этиш ва бошқариш тури бўйича (маърузали классик ўқитиш; аудиовизуалли техник воситалар ёрдамида ўқиш ; ”маслаҳатчи тизим”; китоб ёрдамида ўқитиш; “кичик гуруҳ” тизими ; компьютерли ўқитиш; “репетитор” тизими; “дастурли таълим” - В.П.Беспалько).

9. Болага ёндашиш бўйича (авторитар, дидактоцентрик, шахсга йўналган технологиялар, ҳамкорлик технологияси, эркин тарбилаш технологияси, эзотерик технологиялар).

10. Устувор методлар бўйича (репродуктив, тушунтириш - кўрсатиш, ривожлантирувчи таълим, муаммоли таълим, ижодий; дастурли таълим, диалогли, ўйинли таълим, ўз-ўзини ўқитиш таълими, инфор­мацион таълим).

11. Мавжуд анъанавий тизимларни янгилаш йўналишлари бўйича (муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш асосида; болалар фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштириш асосида; ташкиллаштириш ва бошқариш самарадорлиги асосида; ўқув материалларни методик ва дидактик реконструкциялаш асосида; табиатан монандлик, муқобиллик технологиялари; муаллифлик мактабининг ягона технологияси).

12. Таҳсил олувчилар тоифаси бўйича (оммавий технология, олға одимловчи таълим, тўлдирувчи; ўзлаштирмовчилар билан ишлаш технологиялари, иқтидорлилар билан ишлаш технологиялари).

Бу таъснифни келтиришдан асосий мақсад педагогларни ўтмишда қулланилган, ҳозирги кунда жорий этилаётган ва келажак фаолиятда қул­лаш мумкин бўлган технологилар билан тўлиқ таништиришдир. Уларнинг кўпчилиги сизга мутлақо нотаниш эканлигига ҳам ишонамиз, бироқ бундан ташвишга тушишга ҳо­жат йўқ. Бу ҳақда Г.К. Селевконинг китобидан (24) тўлиқ маълумотларни олишингиз мумкин. Таснифдан кўриниб турибдики, олимнинг ўзи ҳам ҳар доим илмий жиҳатдан асосланган ва ҳаммага ҳам тушунарли бўлган технологияларни келтириш лозимлиги олдида ҳисоб беравермайди.

Шундай қилиб, ПТ концепциясининг ривожланиш тарихини кузатиш натижалари асосида бу соҳада сермашаққат изланишларни олиб бораётган тадқиқотчиларни фаолият даражаларига боғлиқ ҳолда шартли уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Баъзи “жонкуяр” олимларнинг ПТни педагогикадаги замонавий йўналиши деб анъанавий ёндошишлари ва ўз имкониятлари доирасида муаммога илк бор қўл уришлари. Улар “тасодифий” гуруҳ вакиллари­дир.

2. Таълимнинг бугунги аҳволига қайғурадиганлар ва уни инкироздан қутқарувчи куч технологиялаштириш деб қарайдиган “қисман ижодкор” гуруҳига мансуб тадқиқотчилардир.

3. Бу гуруҳ аъзолари технологиялаштиришни объектив жараён, деб ҳисоблайдилар ва янги сифатий муаммоларни ечиш учун таълимни эволюцион жараёнга кўтариш шартларидан бири эканлигини эътироф этган ҳолда ижод қилмоқдалар. Улар “илмий” гуруҳни ташкил этадилар.

1.3. Педагогик технология лойиҳалари: илмий ёндашувлар ва ечимлар

Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида жамиятнинг потенциал имкониятларини юзага чиқариш, кучли интеллектуал ва маънавий салоҳиятни шакллантириш жараёни босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Фуқаролик жамиятини барпо этиш концепцияси бевосита таълим-тарбия тизимини ривожлантириш, янги технологияларни лойиҳалаш ва педагогик амалиётга тадбиқ этиш билан узвий боғлиқдир.

Республикаимиз Президенти Олий Мажлиснинг XIV сессиясида “янги дарсликларни, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва жорий этишни таъминлашни назорат остига олиш зарур”лигини алоҳида таъкидладилар. Бугун олимлар ва ўқитувчилар илғор педагогик технологияларни ишлаб чиқишга астойдил киришишлари шарт ва улар бу ишга масъулдирлар. Бу соҳага яқин хорижий давлатларда ҳам эътибор кучайтирилмоқда. қуйида россиялик олимлар томонидан таклиф этилган янги педагогик технология лойиҳалари билан танишасиз.

**Аксиоматик ёндашув
(Монохов В.М.)**

Бу ёндашув асосида ётувчи асосий ғоя:
педагогик технологияларни лойиҳалаш ва
яратиш дидактик аксиомалар тизими
талабларига таяниши керак.

Муаллифнинг фикрича, педагогика фани азал-азалдан аксиомалардан фойдаланиб келади. Маълумки, исбот талаб қилинмайдиган ҳолат аксиома дейилади. Бундай ҳолатларни педагогик жараёнда қўплаб учратиш мумкин: синф-дарс тизими, 45 минутлик дарс, мавзули режа ва бошқа.

Кейинги йилларда биз таълим фазосини стандартлаштириш жараёнининг гувоҳи бўляпмиз. Бу иш анча мураккаб ва бажарувчилар учун кутилмаган ҳолат бўлди. Таълим стандартларининг юзага келиши мавжуд вазиятни бирмунча қийинлаштириб юборди, чунки стандартнинг шартсиз бажарилишини кафолатлайдиган ва педагогик амалиётга жорий этиладиган технологиялар ишлаб чиқилмаган эди. ҳар бир ўқувчи(талаба) таълим стандарти даражасига эришиши учун ўқув юртларидаги мавжуд анъанавий методикалар ўрнига янги педагогик қуроллар зарур бўлади. Ўқув жараёни лойиҳасини технология даражасига чиқариш ва бу лойиҳанинг жорий этилиши ўқитувчини юқори малакали мутахассисга айлантириш билан биргаликда ўрганувчининг мавқеини ҳам кучайтиради ва ижодий ҳамкорликнинг янги уфқларини очади. Энди ўқитувчи лойиҳа муаллифи бўлиб олади, бу эса янги вазифадир(15, 28).

Муаллиф аксиомалар тизимини уч гуруҳга ажратади. Биринчиси - педагогик технологияларни бир бутун таълимий кенгликка қўшиш аксиомалари, иккинчиси - ўқув жараёнини моделлаштириш аксиомалари, учинчиси - ўқув жараёнини меъёрлаш аксиомалари. Ўз навбатида уларнинг ҳар бири ўзида учтадан аксиомаларни бирлаштиради.

Биринчиси (A1) - педагогик технологиянинг таълим маконига талаб қўйиш аксиомаси; A2 - педагогик технологиянинг “ўқитувчи” тизимига мослик аксиомаси; A3 - педагогик технологиянинг предмет методикаси тизимига нисбатан универсаллик аксиомаси.

Иккинчи гуруҳга (A4) педагогик технология асосини ташкил этувчи ўқув жараёни моделини лойиҳалаш аксиомаси киритилади. Бу ахборотли модел қуйидаги параметрли топшириқлар ёрдамида тавсифланади:

1 - параметр (мақсадга жоизлик) ўқув-тарбиявий жараёнинг умумий мақсад ва йўналишини микромақсадлар тизими кўринишида ифода этади.

2 - параметр (ташхис) микромақсадларга эришиш ёки эришмаслик далили тўғрисида бошқарув ахборотларни мужассамлаштиради.

3 - параметр (миқдорли ўлчов) ўқувчиларнинг мустақил фаолияти хусусиятлари, характери ва ҳажми ҳақида ташхиснинг муваффақиятли ўтишини кафолатлаш учун етарли бўлган мазмунли ва сонли ахборотлар беради.

4 - параметр (мантикий тузилма) - бу ўқитувчининг методик фикрларини ўқув жараёнининг яхлит ва мантиқан кўрсатмали моделига айлантириш босқичини эътиборга олади ва ўқитувчи маҳоратининг юксак даражасини белгилаб беради. Бу фаолият шунчалик ўқув жараёнинг мантикий тузилмаси фотографияси эмас, балки махсус шаклланган ишчи майдон бўлиб, унда барча элементлар технологик қонуниятлар асосида ифодаланади ва маълум муолажалар ёрдамида етарлича муқобиллаштирилади.

5 - параметр (тузатиш) педагогик яроқсизлик, яъни ташхисдан ўтмаган ўқувчилар ҳақида ва тузатишнинг методик йўллари тўғрисидаги ахборотларни тасвирлайди.

Шунингдек, иккинчи груҳга (A5) ўқув жараёни моделининг ташкил этувчи кўрсаткичлари тизими яхлитлиги ва такрорланувчанлиги аксиомаси ҳам киритилади.

Ўқув жараёнини технологиялаштириш объекти ҳар қандай предметнинг ўқув мавзуси бўлиши керак, унинг ҳажми эса қатъиянлиги билан ажралиб туради: минимум - 6-8 дарс, максимум - 22-24 дарс. Ана шу мавзу лойиҳасида бўлажак ўқув жараёни юқорида номланган бешта параметр ёрдамида яхлит берилади ва айнан шу ўқув мавзуси ҳар қайси предмет бўйича ўқув жараёнини лойиҳалашга имкон берадиган бир хилдаги муолажалар кўринишида технологиялаштириш ва лойиҳалашнинг такрорланувчанлигини таъминлайди.

Иккинчи гуруҳ таркибига кирадиган яна бир аксиома(A6) - бу ўқув жараёнининг ахборотли моделини технологиялаштиришдир. В.М. Монахов тажрибасида бир мавзу доирасида бешта параметрларни ўзида мужассамлаштирган ўқув жараёни лойиҳасининг технологик хариталари яратилган. Технология ўқитувчини лойиҳалаш муолажалари тизими билан куроллантирса, технологик хариталар ўқув мавзуси бўйича ўқув жараёни лойиҳасининг паспорти сифатида керак бўлади.

Муаллиф учинчи гуруҳ аксиомаларини (ўқув жараёни лойиҳасини меъёрлаш) педагогик технология мавжудлигининг асосий маҳсулоти сифатида тавсифлайди. Ўқитувчининг касбий фаолиятини технологиялаштириш аксиомаси (A7) касбий фаолиятнинг қуйидаги инновацион компонентларига тегишли:

- ўқув жараёни лойиҳасининг педагогик ғояларини бутун бир ўқув йили учун ўқитувчи томонидан ўз хусусий методик тажрибасига, ўқув дастури мазмунига ва давлат таълим стандарти талабларига таянган ҳолда микромақсадлар кетма-кетлиги кўринишида ифодалаш касбий кўникмаси. Бошқача қилиб айтганда, бу - стандарт талабларини микромақсадлар тилига ўтказишнинг технологик муолажасидир, микромақсад эса ўқувчиларнинг билиш ва ривожланиш зинопасидир. Бу компонент бевосита анъанавий ўқув мавзуларини қайтадан тузиш билан боғлиқдир.

- технологик харитани лойиҳалаш касбий кўникмаси. Бу жараён педагогик маҳорат чўққиси ҳисобланади, сабаби ўқитувчи бўлажак ўқув жараёнини олдиндан кўра билади, ўз ғояларини технологик харитада қоидали тарзда тасвирлайди. Таъкидлаш жоизки, бу касбий кўникма етарлича мураккаб, кўп босқичли, ўз моҳиятига кўра интегратив бўлиб ўқитувчидан яхши ривожланган рефлекс қобилиятни талаб этади;

- дарснинг ахборотли харитасини конструкциялаш касбий кўникмаси ёки бу хариталар йиғиндиси ҳар бир ўқув мавзуси учун бўлажак ўқув жараёнининг аниқлаштирилган лойиҳаси ҳисобланади;

- икки педагогик объектни таққослаш касбий кўникмаси: технологик хариталар кўринишидаги ўқув жараёни лойиҳаси ва маълум синфда реал ўқув жараёни натижалари билан биргаликда дарснинг ахборотли хариталар тизими. Таққослашни аниқ кўрсаткичлар ва технологик муолажалар бўйича ўтказиш керак. қиёслаш муолажалари асосида ташхислаш натижасига кўра мазкур синфда ўқув-тарбиявий фаолият ривожини қайд этувчи махсус мониторинг ётади.

Ўқув жараёни лойиҳасини меъёрлаш аксиомасининг (А8) моҳияти куйидагилардан иборат: ўқув жараёни лойиҳаси технологик харита тарзда тайёр бўлгач, бевосита зарурий ҳисоблар амалга оширилиши керак: ўқув вақти, дидактик ахборотлар ҳажми, уни ўзлаштириш тезлиги, шу ўқув мавзуси чегарасида ўқувчиларни ривожлантиришнинг методик дастурига ажратиладиган вақт ва бошқа.

Нихоят, учинчи гуруҳнинг сўнгги аксиомаси шундай ифодаланади: якуний натижани кафолатлайдиган педагогик технологиянинг мақбул ишлаши учун ишчи майдонни шакллантириш аксиомаси (А9). ҳар қандай педагогик технология бу аксиома талабларини бир вақтнинг ўзида ўқувчиларнинг ҳам ўқув, ҳам умумий юкламаси бўйича қаноатлантириши шарт; дарснинг ахборотли харитаси ичида ёш жиҳатидан ўз гуруҳи доирасида ўқувчиларни ўқув-билиш фаолиятларининг асосий турлари меъёрини сақлаш зарур. Бу бевосита психологик-педагогик ва физио-гигиеник меъёрларни сақлашга ҳам тегишлидир.

Шундай қилиб, В.М. Монахов томонидан таклиф этилган тўққизта дидактик аксиомалар билан китобхонлар таниш бўлди. Олимнинг таъкидлашича, бу аксиомаларни бажариш ва уларга риоя қилиш бевосита педагогик технологияларни лойиҳалаш ва таълим кенглигига асосли равишда тадбиқ этиш имконини туғдиради.

**Муаммоли- модулли
ўқитиш технологияси
(Чошанов М.А.)**

Модулли таълим дастлаб АқШ, Олмония,
Англия каби ривожланган давлатларнинг
олий ўқув юртлари ва малака ошириш

бошланди ва катта шов-шувларга сабаб бўлди.

Бироқ модулли таълим ўзининг етарлича “пухта”лигига қарамасдан мазмун жиҳатдан ҳам, “ёш” жиҳатдан ҳам (у 60-йилларда вужудга келган) ханузгача тортишувларга, фикрлар қарама-қаршилигига учраб келяпти. қатор хорижий муаллифлар (В.Голдшмидт, М.Голдшмидт ва бошқа) модул деганда аниқ ўрнатилган мақсадга эришишга ёрдамлашадиган яхлит ўқув фаолиятини шакллантиришни тушунишади. Модул моҳияти ўқув материалининг автоном бўлақларини қуриш тўғрисидаги бирмунча фарқлироқ фикр Д.Ж. Рассел томонидан айtilди. П.А.Юцявичененинг кўрсатишича, “модулли ўқитиш моҳияти шундан иборатки, ўрганувчи қисман ёки тўлиқ мустақил равишда унга таклиф этилаётган ўзида ҳаракатларнинг мақсадли дастурини, ахборотлар банкини ва қўйилган дидактик мақсадга эришиш бўйича методик кўрсатмани қамраб олган индивидуал ўқув дастури билан ишлаши мумкин. Бунда педагог вазифаси ахборотли назорат қилишдан тортиб маслаҳатчи - координацияловчиликка қадар турланишдан иборат бўлади“ (30, 10).

Профессор М.А.Чошанов ҳам кейинги фикрга қўшилган ҳолда фан ривожининг ҳозирги босқичида модуллилик тушунчаси методологик мазмунга эга бўлаётганлигини алоҳида таъкидлайди.

Муаммоли ўқитишнинг дидактик тизимида бирмунча тўлиқ тадқиқ қилинган ташкил этувчиси муаммоли таълим ҳисобланади. У ўрганувчиларнинг фикрлаш фаолиятини бирмунча фаоллаштиришга, уларда муаммонинг ечимига ёндашишни шакллантиришга, ва ниҳоят - ижодий тафаккурни ривожлантиришга самарали таъсир кўрсатади. Бу таъсир интеллектуал қийинлашувнинг махсус вазиятларини - муаммоли вазиятлар ва уларнинг ечимларини тузиш билан таъминланади. Муаммоли вазият ўқитиш жараёнида муҳим мотив ва ҳаяжонли восита саналади. Унинг самараси

тўғрисида А.М. Матюшкин, М.И. Махмутов, И.Я. Лернер каби йирик олимлар ўз назарияларини яратдилар.

Муаммоли-модулли ўқитиш технологиясида асосий диққат хатоликларни излаб топиш мақсадига мувофиқ тарзда тузилган махсус вазиятлар тизими орқали ўрганувчиларда танқидий фикрлашни шакллантириш жиҳатларига қаратилади. У ўзида хатоликларнинг уч асосий гуруҳини бирлаштиради: гносеологик, методик ва ўқув. Гносеологик хатолар билишга оид характердаги хатолар ҳисобланиб, билимлар эволюцияси жараёнида олимлар томонидан йўл қўйилади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўқув жараёнида гносеологик хатолардан фойдаланиш ўқувчи (талаба)ларда борлиқни танқидий мушоҳидалаш, таҳлил қилиш ва ўз хатоларини тўғрилаш кўникмаларини шакллантиради, шунингдек, ўқув предмети ва фанга бўлган муносабатларини ўзгартиради: ўрганилаётган фан мазмунини ўрганувчилар олдида тайёр ҳақиқатлар йиғиндиси сифатида эмас, балки ғоялар ва одамларнинг тарихий драмаси тарзда, ижтимоий мактаб ва йўналишлар кураши тарзда, одат ва янгилашни қарама-қаршилиги сифатида туради.

Методик хатолар ўқув хатолари билан ўзаро боғлиқ: ўрганиш хатолари кўп ҳолларда - ўқитиш хатолари натижасидир. Ўқув хатолари махсус ташхисловчи жадвалларда ҳар бир муаммоли модул учун гуруҳланади ва кейинчалик кучли таъсир этувчи воситалар сифатида фойдаланилади. Агар анъанавий ўқитишда билмасликдан билишга ўтиш стандартли вазиятларни қўллаш билан чегараланса, муаммоли-модулли ўқитишда ўқувчининг яқиндан ривожланиши доираси янги билимларни юзаки ўзлаштириш ва нотўғри қўллашга олиб келадиган танқидий вазиятлар - хатолар соҳасигача кенгайтирилади. Бундай шароитда билмасликдан билишга ўтиш соҳаси ўрганувчи учун асосий муаммога айланмайди, балки табиий звено бўлиб қолади, уларнинг долзарб ривожланиш минтақасига айланади.

Муаммоли-модулли ўқитиш технологиясининг етакчи сифат белгиси - бу эгилувчанлик ҳисобланади. Замонавий юқори технологияли ишлаб

чиқаришда эгилувчан автоматлаштирилган тизим муҳим саналгани каби ҳозир ҳам, келажакда ҳам педагогик технология самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг илмий-техникавий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгарувчан шароитга мослаша олиш ва зудлик билан таъсир этиш қобилиятига боғлиқ бўлади. Эгилувчанлик тузилмали, мазмунли ва технологик ҳолда бўлиши мумкин.

Тузилмали эгилувчанлик қатор ҳолатлар билан таъминланади: муаммоли-модул тузилмасининг сафарбарлиги, муаммоли-модулли дастур поғоналиги, эгилувчан жадвал лойиҳасининг мавжудлиги ва кўп вазифали ўқув хоналарининг жиҳозланганлик имкониятлари ва бошқа.

Мазмунли эгилувчанлик биринчи навбатда таълим мазмунини табақалаштириш ва интеграциялаш имкониятларида намоён бўлади. Бундай имкониятнинг ўзи таклиф этилаётган технологияда ўқув материалининг блок ва модулли принцип асосида сараланиш эвазига вужудга келади.

Технологик эгилувчанлик муаммоли-модулли таълим жараёнининг куйидаги жиҳати билан таъминланади: ўқитиш методларининг вариантлиги, назорат ва баҳолаш тизимининг эгилувчанлиги, ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини якка тартибда ташкил этиш ва бошқа.

М.А.Чошановнинг таъкидлашича, касб мактабларида ўқитиш жараёнини муаммоли-модулли асосга ўтказиш куйидагиларга имкон беради:

- ўқув материалининг муаммоли модулларини гуруҳлаш йўли билан курсни тўлиқ, қисқарган ва чуқурлаштирилган вариантларини ишлаб чиқишни таъминлайдиган диалектик бирликда интеграциялаш ва табақалаштиришни амалга ошириш;

- билим даражасига боғлиқ ҳолда талабаларнинг у ёки бу муаммоли-модулли дастур вариантини мустақил танлаши ва уларнинг дастур бўйлаб индивидуал силжиш суръатини таъминланиши;

- муаммоли модуллардан педагогик дастурли воситаларни яратиш учун сценарийлар сифатида фойдаланиш;

- ўқувчиларнинг билиш фаолиятини бошқаришда ўқитувчи ишида маслаҳатчи-координацияловчи вазифага урғуни кўчириш;

- ўқув материални баён қилиш тезлиги ва ўзлаштириш даражасига путр етказмаган ҳолда ўқитиш методлари ва шакллари мажмуасига мослик асосида курсни қисқартириш;

Шу билан биргаликда оппонентлар томонидан муаммоли-модулли ўқитишнинг қатор камчиликлари кўрсатилди, улар: таълим жараёнининг бўлакларга бўлинганлиги, яъни ўқувчиларнинг мустақил ишлари салмоғи бирмунча катта; ўқув предметининг яхлитлиги ва мантиқини инкор этиш; ўқувчиларни тайёрлаш торлиги: ўқитиш курсининг боғлиқ бўлмаган муаммолар ёки масалалар сериясига қадар қисқариши; умумлашмага зиён етказадиган хусусий, аниқ кўникмаларнигина шакллантириши; муаммоли модуллари тайёрлаш ва машғулоти ўтказишга тайёргарликнинг кўп меҳнат талаб қилиши.

Санаб ўтилган камчиликларнинг кўплиги модулли ўқитиш технологиясини ўрнатиш босқичида бирмунча аниқ сезилса-да, аста-секинлик билан дазмолланиб боради. Шунини эслатиш жоизки, у ёки бу технологияни “тоза” ҳолда жорий этиш мумкин эмас. Хоҳлаймизми ёки йўқми, ўқув жараёнини ташкил этишнинг анъанавий ёндашувига ва мавжуд дидактик жараёнга таянишга тўғри келади.

Таълим мазмунини муаммоли-модулли лойиҳалаш қуйидаги асосий таянчлардан иборат бўлади:

- билиш фаолиятининг фундаментал методлари доирасида курсни жой-жойига қўйиб тузиш. Мисол учун, математика курсида бундай методларга математик моделлаштириш, аксиоматик, координат, векторли, мантиқий методлар киради;

- таянч муаммоли модуллари мазмунини аниқлаш. Саралашнинг муҳим шarti билиш фаолияти методларининг принциплари мазмуни ҳисобланиб, умуммаданий ва амалий аҳамият касб этади. Бу ўқитишнинг таянч мазмунига оид қуйидаги мезонларни ҳисобга олишни тақоза этади:

- фундаментал, узвийлик, узлуксизлик ва таълимни инсонпарварлаштириш;

- ечими билиш фаолияти методларининг мосини қўллашни талаб этадиган йирик касбий-амалий муаммоларни турли гуруҳ касбларининг ўзига хослигини ҳисобга олиб ажратиш;

- ихтисосли ва даражали табақалаштиришни таъминлашга йўналтирилган ўзгарувчан модулларнинг мазмунини танлаш ва ҳажмини аниқлаш, шунингдек, муаммоли-модулли дастурларнинг турли - тўлиқ, қисқарган ва чуқурлаштирилган вариантлари бўйича ўқувчиларнинг якка тартибда олға силжиши учун шароитлар яратиш.

Муаммоли модулларни қўллаш қўлами қуйидаги тартиботларни камраб олади: тизимли, автоном ва интеграциялашган. Тизимли тартибот муаммоли модулларидан мустақил курс доирасида фойдаланишни тақозо этади. Автоном - маълумот модули сифатида бошқа фанлар доирасида, интеграцияланган - интегратив курс доирасида қўлланиши лозим.


Шундай қилиб, муаммоли-модулли ўқитиш технологиясининг моҳиятини қуйидагича изоҳлаш мумкин: ўқувчиларнинг талаб этилган даражада билимдонлигига эришиш учун ўқув материали мазмунини йирик тузилмалаш, унга мос ҳолда ўқитиш методлари, воситалари ва шакллари танлаш амалга оширилиб, улар ўқувчиларни тўлиқ, қисқарган ёки чуқурлашган ўқитиш вариантларини мустақил танлаш ва ўтишга йўналтирилади. Муаллифнинг таъкидлашича, муаммоли-модулли ўқитиш технологияси бўйича 70 фоиз ўқув материали юқори даражада ўзлаштирилган ($K_{\alpha} \geq 0,75$) ва аниқ ўрнатилган компетентлик даражани кафолатли таъминланган.

Шаҳсга йўналтирилган таълим технологияси (Беспалько В.П.) Бу технологиянинг моҳиятини чуқурроқ англаш учун академик Беспалько В.П. томонидан яратилган “дидактик жараёни бошқариш

тизимининг ривожланиш спирали“ни таҳлил қилиш керак бўлади (2 - расм).

“Йўналтирилган ахборотли жараён“ (ЙАЖ) ординатасига таълимни ташкил этишнинг якка тартибли шакли жойлаштирилди. “Тарқоқ ахборотли

жараён“ (ТАЖ) ординатасига эса - гуруҳли. Табиийки, машғулотнинг гуруҳ шакли якка тартибдаги шаклидан иборат бўлади, кейин эса ривожланишнинг бирмунча юқори даражасида якка тартибли шаклига яна қайтади. Демак, “маслаҳатчи“ (3) тизим табиий ҳолда “гуруҳли таълим“га (1) кўтарилади, унинг сезиларли даражадаги кучсизлиги “репетитор“ (7) тизимини вужудга келтиради



2- расм. Дидактик жараён тизимларининг ривожланиш спирали

Репетиторлик “кичик гуруҳ“ (5) ўлчамигача кенгайиш сабабларини тасаввур қилиш қийин эмас.

XVI асрга келиб нашр ишларидаги инқилобий ўзгаришлар таълим тизимида “дарсликлар”ни (4) қўллаш имкониятини туғдирди. Коммуникация соҳасидаги техникавий тараққиёт эса синф ва хонадонларни ахборотли узатиш воситалари билан жиҳозлади. Компьютерларнинг вужудга келиши дидактик жараёни ёпиқ бошқариш имкониятларини туғдирса-да, ўқувчиларнинг индивидуал қобилиятларини ҳисобга олмади (дастурли таълим - 6). Шахсий компьютерлар техникасининг ривожланиши психологик-педагогик билимлар ўсиши билан ҳамкорликда шахсга йўналтирилган таълим муаммосини келтириб чиқармоқда.

Академик В.П. Бєспалко тизим 8 - якка тартибли билиш фаолиятини дастурли бошқаришга алоҳида ургу бериб “халқ таълими тизимининг барча бўғинларида ривожланишнинг янги босқичини ифодалайди ва ўқувчиларнинг соғлигига зарар етказмаган ҳолда зарурий мусбат силжишларга олиб келади“ деб таъкидлайди (7, 15). Ўзида аниқ ўрнатилган дидактик масалалар ва педагогик технологияларни мужассамлаштирган педагогик тизим шахсга йўналтирилган таълим, деб таърифланади. Бу тизимдаги дидактик масалаларга қисқача изоҳ берилади. ҳозирда мавжуд яккалашган педагогик тизимлар - умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар, олий таълим - шахсни тарбиялаш, таълим бериш ва такомиллаштиришнинг ягона тизимига айланиши керак. Шахсга йўналтирилган таълим барча турдаги таълимларни йўналишлар бўйича интеграциялашни тақоза этади. Таълимнинг биринчи босқичидаёқ (мактабгача таълим) боланинг эҳтимолли шахсий йўналишлари психологик-педагогик кузатишлар ёрдамида аниқланади, маълум фаолият турига қобилиятлари, янги истеъдод нишоналари белгилаб олинади. Бу табақалаштириш психологик педагогика соҳаси бўлиб, афсуски, кам тадқиқ қилинган ва кам ишланган. Шу билан биргаликда ҳаммага яхши маълумки, шахснинг махсус истеъдод нишоналарини эрта аниқлаш ва уни мунтазам ривожлантириб бориш вақти соати билан ўз мевасини беради - янги ғоя ва фаолият методларини ҳақиқий яратувчиси тарбияланади.

Шахснинг ривожланиш дастури аслида ҳар бир инсонга туғма ҳолда берилади, бироқ уни амалга ошириш, афсуски, ҳозирги таълим тизимида қаралмаган. Мана, нима учун дунёда қийналганлар ва жиноятчилар мавжуд (7, 16). Шу боисдан боланинг шахсга йўналтирилган таълим тизимида киришиши уни ихтисосли касбга тайёрлашнинг бошланиши бўлиши керак ва барча ўқув дастурлари мазмуни маълум фаолият турининг ижодкорини тарбиялаш масаласига бўйсунishi керак.

Юқорида таъкидланганлар эскирган, бироқ мустаҳкам марксистик тезис - техник тараққиёт давомида инсон меҳнатининг ўзгариб туриши, шу

боисдан кенг умумий ва политехник таълимни бундай ўзгаришлар асоси сифатида жорий этиш заруратига қарама-қаршидир. Бугун ҳаётнинг ўзи гувоҳлик берапти: техник тараққиёт мумкин қадар юқори касбий маҳорат даражасини тақоза этади. Унга эришиш учун бир меҳнат тури доирасида фаолиятни мақсадли йўналтириш ва чуқур мутахассислаштиришни талаб этапти, аксинча, доимий уни алмаштиришни эмас.

Ташхисланувчан тарзда ўрнатилган мақсадли педагогик тизим очик бўлиши керак, яъни ўрганишнинг ҳар қандай босқичида ўқувчи ундан чиқиб кетиши ёки қайта кириб келиши мумкин. Бу эса аниқланган мақсадга мос ҳолда таълим мазмунини илмий асосда саралашга имкон беради. Таълим мазмунини жамлашда ўқувчиларни асоссиз юклаб ташлаш ва ўқитувчи ўқитишда инкирозга хос ҳодисаларни юзага чиқарувчи олдинги аморф ва ихтиёрийлик уни аниқ лойиҳалаш, ўқиш йиллари бўйича тақсимлаш ва дозалашга жой бўшатиб беради. Ўқув фанлари тизими ортиқча бўлмасдан катъий узвийликка ва белгиланган маҳорат босқичида ўзлаштиришга олиб келади.

Ўқув материалнинг белгили моделлари асосида таълимни жадаллаштириш технологияси (В.Ф.Шаталов)

Донецк очик университети
профессори В.Ф.Шаталов
ўқитишни жадаллаштириш
технологиясини ишлаб чиқди ва
амалиётга тадбиқ этиб анъанавий
синф-дарс ўқитиш

узулининг очилмаган қирраларини кўрсатиб берди.

Бу технологияда:

Таълим мақсадлари:

- * Билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш.
- * ҳар қандай индивидуал қобилиятли болаларнинг барчасини ўқитиш.
- * Тезлашган ўқитиш (умумий ўрта таълим ҳажмини 9 йилда ўқитиш).

Принциплари:

- кўп марта такрорлаш, мажбурий босқичли назорат, йирик блоклар билан ўрганиш; фаолиятнинг динамик яхлитлиги, таянч сигналлар, ҳаракатларнинг мўлжалли асослари;
- шахсга йўналтирилган ёндашув;
- инсонпарварлик (барча болалар иқтидорли);
- ўқув вазиятларининг тафовутсизлиги, тузатиш учун истикболларнинг очиклиги, муваффақиятнинг ўсиб бориши;
- таълим ва тарбиянинг узвийлиги.

Мазмуннинг ўзига хос жиҳатлари:

- * Ўқув материали йирик ҳажмда киритилади.
- * Материал блоклар бўйича жойлаштирилади.
- * Ўқув материали таянч схема-конспект кўринишида расмийлаштирилади.

В.Ф.Шаталов технологиясининг **асосий ғояси:** дарсда ўқувчиларнинг ялпи фаоллигини таъминлайдиган ўқув фаолияти тизими яратилади. Ўқув фаолиятининг андазаси асосида таянч конспектлари (сигналлари) - ўқув материалининг кодлаштирилган кўрсатмали чизмалари ётади.

Таянч - мўлжалли ҳаракатлар асоси, боланинг ички ақлий фаолиятини ташқи кўринишида ташкил этиш усули.

Таянч сигнал - ассоциатив рамз (белги, сўз, расм, чизма, шакл ва бошқа) бўлиб, маълум фикрий маънони билдиради.

Таянч конспект - қисқача шартли матн кўринишидаги таянчли сигналлар тизими бўлиб, яхлит ўқув материалининг ўзаро боғлиқ элементлари сифатида тушунчалар, фактлар, ғоялар тизимининг кўрсатмали конструкциясини ўзида акс эттиради.

Бу технологияда ўқитувчи меҳнати асосий мавқени эгаллайди ва бу меҳнатга ўқувчилар айрим ҳоллардагина (назорат, маслаҳат, ёрдам) жалб


этилади. Таянч сигналлари ёрдамида ўқитиш жараёни қатор босқичлардан иборат:

1. **Синфда ўқитиш:** мавзу ўқитувчи томонидан одатдагидек синф доски ёнида (бўр, латга ёрдамида) тушунтирилади, кейин эса таянч конспектлар асосида мавзунини тушунтириш такрорланади. Ўқувчиларнинг ўз конспектлари устида мустақил ишлаши таъминланади ва фронтал тарзда билимлар мустаҳкамланади.

2. **Уйда мустақил ишлаш:** таянч конспектдаги кодлаштирилган ўқув материалларини ўқувчи дарслик ёрдамида ойдинлаштиради.

3. **Назорат ва баҳолаш:** мавзу бўйича ўқувчининг билим, кўникма ва малакалари ташқи назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш ёрдамида текширилади. Назорат шакли: таянч конспекти бўйича ёзма, мустақил иш, оғзаки сўров; жуфтли ўзаро назорат, гуруҳли ўзаро назорат.

В.Ф.Шаталов бўйича ўқитишни ташкил этиш технологияси



Муалифнинг бой тажрибаси - “таянч сигналлари варақаси” асосида ташкил этилган ўқув-билиш фаолияти ўқувчиларнинг юқори кўрсаткичга эришишини шубҳасиз таъминлайди. Ўқувчи олган баҳо билимларни ҳисобга олиш варақасида қайд этилади ва у ҳоҳлаган вақтда қайта тайёрланиб ўз баҳосини тузатиши мумкин. Демак, бу технология очиқ истиқболли принципни таъминлаган ҳолда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида низо туғдирмайди.

Шундай қилиб, ҳурматли китобхон, сизни олимларнинг таълим технологияларини яратишга бўлган янги фикрлари билан таништиришга ҳаракат қилдик. Бу жараён, шубҳасиз, келажакда ҳам давом этади ва янги педагогик технологиялар замон талабига ҳамоҳанг тарзда яратилаверади.

II-қисм. ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ЛОЙИҲАСИ ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ

2.1. Ўқув-билиш фаолиятида педагогик технология қонуниятлари

Эркин Шахсни шакллантириш муаммоси таълим муассасаларида ўқув-тарбиявий ишларни педагогик технология “рельс”ига ўтказишни тақозо этади. Албатта, бу жараён осон кечмайди: бугун ихтиёрий қурилаётган ва жорий этилаётган ўқитиш тизимини қатъиян илмий асосланган педагогик тизимга айлантириш керак. Аслида ҳам ижтимоий тажриба элементлари - билим, кўникма, ижодий фаолият, объектив борлиққа муносабатлар - педагогик жараён маҳсулидир ва маълум педагогик тизим доирасида шакллантирилади. Педагогик технология эса амалиётга жорий этилаётган педагогик тизим лойиҳасидир. Унда педагогик тизим нима? Унинг таркиби қандай? Бу саволларга жавобни мавжуд педагогик нашрлардан топиш мумкин.

Н.В. Кузьмина педагогик тизим ўзида таълим ва тарбия мақсадига бўйсиндирилган ўзаро боғлиқ таркибли элементлардан ташкил топишини уқдиради, улар: педагогик мақсад; ўқув ва илмий ахборот; педагогик алоқа воситалари; ўқувчилар ва педагог (12). В.П. Беспальконинг таърифига кўра “Педагогик тизим маълум шахс сифатларини шакллантиришга тартибли, аниқ мақсадни кўзлаб ва олдиндан ўйлаб педагогик таъсир этишни вужудга келтириш учун зарур бўлган ўзаро боғлиқ воситалар, усуллар ва жараёнлар йиғиндисидир” (5, 6).

Бинобарин, ҳар бир жамиятда шахсни шакллантириш мақсади белгилаб олинади ва унга мос равишда педагогик тизим мавжуд бўлиши керак. Агар мақсад ўзгарса мавжуд тизим ҳам ўзгариши муқаррардир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни бош мақсад қилиб қўйди. Демак, Миллий дастур таълим ва тарбия соҳасидаги давлат буюртмаси ҳисобланиб миллий мафкуранинг таркибий қисмини ташкил этади. Фақат ижтимоий (давлат) буюртмасигина таълим-тарбиянинг умумий мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаб беради ёки олий (ўрта, ўрта махсус, касб-хунар) таълим учун педагогик тизимнинг мавжудлик шартларини кафолатлайди.

қуйида барча таълим турлари учун умумий бўлган педагогик тизим лойиҳасини чизма тарзда келтирамиз (3-расм).

3-расм. Педагогик тизим тузилмаси

Олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг натижалари ҳар қандай педагогик тизим ўзаро боғлиқ бўлган қуйидаги инвариатив элементлардан ташкил топишини кўрсатиб берди: 1 - ўқувчилар (талабалар). 2 - таълим (тарбия) мақсадлари. 3 - таълим (тарбия) мазмуни. 4 - дидактик жараёнлар. 5 - ташкилий шакллари; 6 - педагог ёки ўқитишнинг техник воситалари (ЎТВ).

3-расмда келтирилган педагогик тизим ҳар қандай илмий назарияга хос бўлгани каби қуйидаги икки тушунчани қамраб олади: дидактик масалалар ва уларни амалга оширишнинг педагогик технологиялари(ПТ). Дидактик масалалар педагогик тизим доирасида инсон фаолиятининг муҳим соҳаси сифатида аниқ мақсад ва унга эришиш учун шарт-шароитлар ҳамда бу фаолият учун ахборотлар (мазмун) бўлиши керак.

Дидактик масалаларни ҳал этиш мақсади шахснинг маълум сифатларини шакллантириш зарурати бўлса, шарт-шароитлар -ўқувчи(талаба)ларнинг бошланғич сифат кўрсаткичлари, ахборот эса ўқув предметининг мазмуни ёки тарбиявий таъсиридир.

ҳар бир дидактик масала педагогик тизимда ўзига мос келадиган ПТ элементлари билан ҳал қилинади, улар: дидактик жараён, ўқитишнинг ташкилий шакллари ҳамда педагог ёки ўқитишнинг техник воситалари (ЎТВ). Расмда ижтимоий буюртма йўналиши дидактик масалаларга қаратилган ва бу бежиз эмас: таълим ҳар доим жамият талабларини қондиришга хизмат қилади ва у онгли равишда ёки интуитив тарзда тез, балки секинлик билан бу талабларга мос ҳолда тузатила борилади.

Дарҳақиқат, XXI аср бўсағасида таълим тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи, ҳаққоний двигатели - бу ўзида дидактик масалалар ва ПТни мужассамлаштирган педагогик тизим ҳисобланади. ПТнинг муваффақиятли лойиҳаланиши ва якуний натижанинг кафолатланиши ўқитувчининг дидактик масалалар моҳиятини англаб етиш даражасига ва дарсда уларни тўғри белгилаб олишига боғлиқдир. Бу вазифа ҳозирга қадар ўқитувчилар томонидан англашилмай келиняпти, қатор ҳолларда эса улар методикани технологиядан фарқлай олмаяптилар.

Шу боисдан қуйида ПТнинг лойиҳаланиши учун зарурий шартлардан бири - дидактик масалалар тўғрисида фикр юритилади. Чунки ҳар бир ўқитувчи педагогик фаолиятга киришишдан олдин ҳал этилиши лозим бўлган педагогик масалаларни етарлича аниқ тасаввур этиши ва ифодалаш, айтиш пайтда ўз ўқувчиларига ҳам тушунтира олиши керак.

Бугун ҳар қадамда ва ҳар қандай таълим муассасасининг ўқитувчиси фаолиятида тасодифий ўқувчи(талаба)лар гуруҳининг аниқ ўрнатилмаган мақсадга эришиш учун ихтиёрий танланган таълим мазмунини ўзлаштиришга оид ҳаракатларни бошқараётганлигини кузатиш мумкин. Бу ҳолатни изоҳлашга ҳаракат қиламиз.

Гетроген гуруҳ

Нима учун “тасодифий ўқувчилар гуруҳи“

деямиз? Маълумки, ўқув юртларига (мактаб, касб-ҳунар коллежи, олийгоҳ ва бошқа) ўқувчиларни қабул қилиш, асосан, икки омил воситасида амалга ошириляпти, яъни: ўзлаштириш даражасига ёки ёшларининг тенглиги (яқинлиги)га қараб. Айтиш пайтда абитуриентларнинг шахс сифатлари, туғма истеъдод нишонлари, қобилияти, фаолиятга қизиқишлари ва бошқа яқкалик хусусиятлари ҳисобга олинмаяпти. Натижада ўқув гуруҳлари тасодифий таркибли N та ўқувчилар сонидан таркиб топади, яъни “гетроген“ гуруҳ тузилади. Боз устига бу гуруҳ ўқувчиларига бир хил ўқув фонди шароитида ягона таълим мақсадига эришиш зарурлиги уқдирилади. Бунга эса амалиётда эришиб бўлмайди. Олти ойлик сессия натижаларини кўз олдингизда гавдалантиринг, ҳайратдан ёқа ушлайсиз! Ахир ўқувчилар тест ёрдамида имтиҳон топшириб ўқишга кирган-ку? Нима учун имтиҳон натижалари ёмон? Сабаби нима экан?

Сабаби эса биз юқорида тилга олган омиллар: талабада қобилият нишонлари йўқ ёки танлаган фаолият турига қизикмайди. Шу боисдан, ҳатто, битирувчи босқич талабалари ҳам кўпинча келажакда қайси мутахассис эгаси бўлаётганлигини ёки бўлажак иш фаолиятини тўлиқ

тасаввур этишолмайди. Республикамизда Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги “Истеъдод” Маркази маълум даражада бу масалага ижодий ёндошмоқда. Марказ ўқувчиларининг қобилиятларини ва ўзлаштириш даражаларини психологик тестлар ёрдамида аниқлаб, керакли илмий тавсиялар ишлаб чиқаяпти ва улар академик лицейларга танлов ўтказишда қўл келмоқда.

Ташхисланувчан мақсад

Нима учун “аниқ ўргатилмаган мақсад” деяпмиз?
Чунки таълим мақсадини предмет ёки

мавзулар бўйича аниқ ўрнатиш учун у ташхисланувчан ҳолда бўлиши керак. Ташхисланувчан деганда ўқувчиларда шаклланаётган маълум сифат ёки хусусиятларни ўлчаш ва баҳолаш тушунилади. Мақсад ташхисланувчан тарзда ўрнатилиши мумкин, агар:

- шаклланаётган билим, кўникма ва шахс сифатлари етарли даражада аниқ ва равшан ифода этилиши ва тавсифланиши керакки, натижада уларни бошқа ҳар қандай ижтимоий тажриба элементларидан хатосиз фарқлаш мумкин бўлса (Иф);

- ташхисланаётган шахс сифатларининг шаклланганлик даражасини аниқлаб оладиган усул, “қурол” мавжуд бўлса ва ўлчаш амалга оширилса (Ўш);

- ўлчаш натижаларига таяна оладиган сифатларни баҳолаш мезони мавжуд бўлса (Бм).

Шундай қилиб, ташхисланувчанликнинг рамзий формуласини қуйидагича ёзиш мумкин:

$$Тш = Иф + \text{Ўш} + Бм$$

Олий ва ўрта мактаблар ривожининг ҳозирги босқичида юқорида қайд этилган талабларни муайян педагогик тизимнинг умумий (асосий) мақсадлари ҳам, алоҳида ўқув предметларини ўрганишнинг хусусий мақсадлари ҳам қаноатлантирмайди.

Ҳар бир дарсда таълим мақсадининг аниқ ўрнатилиши ўқитиш технологиясини лойиҳалашда муҳим шартлардан бири саналади. Савол туғилиши табиий: фан мавзулари бўйича ўқитишнинг ташхисланувчан мақсади қандай ўрнатилади? Дарҳақиқат, ҳар қандай фан ўзининг пайдо бўлган вақтлардан бошлаб катта билим(ахборот)лар ҳажмини тўплаган ва у юқори тезликда бойитиб борапти. Фан фидойиларининг маълумотига кўра, жаҳонда ахборотлар бир соатда 200 млн. сўз тезлик билан ошиб борапти ёки бу 5000 саҳифага тенг босма матн деган сўз. Инсон эса бу вақт оралиғида ярим варақ янги илмий матнни ўзлаштиришга қодир экан(5,45). Ахборотларнинг бундай оқимида ўқувчи(талаба)нинг “ғарқ” бўлиб кетмаслиги учун ўқитувчи нима қилиши керак? Жавоб тайёр: ўқитиш учун фақат зарурий ахборотларнигина танлаб олиш ва ўқувчининг ўзлаштириш қобилиятига мос ҳолда улар ҳажмини миқдорий ўлчамга келтириш зарур.

Ўқув элементи

Бу масалани амалда бажариш учун “ўқув элементи” (ЎЭ) тушунчаси мавжуд. Ўқув элементи деганда ўрганиш мақсадида танланган барча фан объектлари (ФО) тушунилади. Табиийки, ЎЭ учун сони ФО сонидан кичик бўлади ($УЭ < ФО$). Ўқитувчи ЎЭни танлаб олиши учун тайёрланаётган бўлажак мутахассис шахсига яқин 3-5 йил ичида қўйиладиган талабларни тасаввур қила олиши ва зарурий билим ва кўникмалар таркибини аниқ ифодалаши керак.

ЎЭ сони ва таркибини саралашнинг икки усули мавжуд: биринчиси - эксперт усули бўлиб, маҳоратли ва тажрибали методистлар (ўқитувчилар) ўз иш услубига таянган ҳолда вазифани унча мураккаб бўлмаган методика ёрдамида ҳал этишади. Иккинчиси - тажриба синов усули бўлиб, ўқув юрти битирувчисининг фаолияти таҳлил қилинади ва шу асосда маълум фан объектлари тўғрисида керакли маълумотлар ажратиб олинади. ҳар икки усул ҳам амалиётда қўлланилиб бир-бирини тўлдиради ва бойитади. Ўқув

материалини саралаш интихоси предмет дастури учун α Э йиғиндисини тўплаш ҳисобланади ва у руйхат кўринишда берилади.

Мисол тариқасида техника ўқув юртларида ўқитиладиган механизм ва машиналар назарияси фанидан “Механизмлар таснифи” мавзуси бўйича α Эни тўлиқлигига даъвогарлик қилмаган ҳолда келтирамыз: 1. Ричагли механизмлар. 2. Кулочокли механизмлар. 3. Айланма ҳаракатни узатувчи каттиқ звеноли механизмлар. 4. Эпициклик механизмлар. 5. Универсал шарнир. 6. Эгилувчан звеноли механизмлар. 7. Пневматик механизмлар. 8. Гидравлик механизмлар. 9. Электрик механизмлар. Демак, мавзу бўйича α Эни бўлажак муҳандислар қайси даражада ва асосли ўрганишлари керак? Бунинг учун таълим мақсадини аниқлашга қаратилган яна бир кўрсаткич - предметни ўрганиш илмийлиги ёки фан тараққиётининг абстракция поғоналари (β) киритилади.

Абстракция поғоналари

Ҳар қандай фан ўзига тегишли нарс ва ҳодисаларни босқичма-босқич ўрганган ҳолда ривожланиб боради.
--

Ривожланишнинг узлуксиз жараёни турли фанларда турлича, ҳатто бир фан бўлимлари ўртасида ҳам нотекис кечади. Шу боисдан фаннинг ривожланиш даражасини аниқлаш ҳамда ўқув мавзулари бўйича мақсадни аниқ белгилаш учун абстракция поғоналари ва унга мос α Эни баён қилиш усуллари мавжуд.

Биринчи абстракция поғонада (феноменологик - $\beta=1$) нарс ва ҳодисаларнинг баёнини тавсифлаш чекланган, объектларнинг маълум тартибли рўйхати келтирилган бўлади, уларнинг хусусият ва сифатлари қайд этилади. α Э оддий, одатдаги тилда тушунтирилади.

Иккинчи абстракция поғонада (аналитик-синтетик - $\beta=2$) фан учун хусусий бўлган тушунча ва атамалар, қонуниятлар α Энинг асосий таркибини ташкил этади. Жараёнларнинг кечиши ва ривожланиши йўналишларини башоратлашга имкониятлар туғилади. α Э фан тилида баён этилади.

Учинчи абстракция поғонада (прогностик - $\beta=3$) фанга тегишли маълум ходисалар уларнинг сонли назариялари асосида тушунтирилади, асосий жараёнларни моделлаштириш қонун ва хусусиятларни аналитик тасаввурлаш амалга оширилади. Ҳодиса ва жараёнларнинг кечиш муддати ва сонини олдиндан айтиб бериш имкониятлари мавжуд бўлади. Ривожланган фан тили вужудга келган бўлиб, $\square\Xi$ баёни фанлараро боғланишлар асосида олиб борилади. Фан аста-секинлик билан ўзининг янги ривожланиш босқичига ўта боради.

Туртинчи абстракция поғона (аксиоматик - $\beta=4$) нарс ва ходисаларни тушунтириш материалларнинг кенг қамровлиги, ходисалар моҳиятига чуқур кириб бориш билан тавсифлашнинг юқори даражали умумлашмасидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш билан белгиланади. Фаннинг предметлараро тили (кибернетика, информатика ва бошқа) мавжуд бўлиб, улар ёрдамида илмий билимларнинг амалий йўналишлари қайтадан илмий асосланади.

$\square\zeta$ ув предметининг илмийлик даражаси ва бу параметр ёрдамида ўқувчи(талаба)лар билим сифатини баҳолаш учун илмийлик коэффициенти киритилади:

$$K_{\beta} = \beta_x / \beta_t, \text{ қерда:}$$

β_x - ўқитиш олиб борилаётган дарслик ёки методқ қўлланма ёзилган абстракция поғонаси;

β_t - фан соҳасида эришилган ва ўқув предметини юзага келтирган абстракция поғонаси. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, илмийлик коэффициенти $1/4 \leq K_{\beta} \leq 4$ чегараси бўлади (5, 72).

<p>Ўзлаштириш даражалари</p>

Юқорида $\square\Xi$ ни тушунтириш даражалари тўғрисида фикр юритилди

Ўз навбатида ўқувчи(талаба)лар Эни қайси даражада ўзлаштиришлари ёки қандай маҳорат билан бажаришлари керак? Бу саволга психологлар томонида яратилган фаолият назарияси жавоб беради. Фаолият назарияси замирида ётувчи пастулот шундан иборатки, ҳар қандай фаолият инсон томонидан олдин ўзлаштириб олинган ахборотлар ёрдамида амалга оширилади. Ахборотлардан фойдаланиш характериға қараб фаолиятнинг икки кўринишини фарқлаш мумкин: *номаҳсулдор ва маҳсулдор*. Уларнинг бир-биридан фарқи шундаки, номаҳсулдор фаолиятида инсон ўзига маълум бўлган ҳаракат (алгоритм) қоидаларидан фойдаланади ва бу жараёнда ҳеч қандай янги ахборотлар юзага чиқмайди. У фақат олдин ўзлаштирган усулларни қайтадан ишлаб чиқади.

Маҳсулдор фаолиятни бажаришда инсон доимо янгиликка дуч келади ёки янги ахборотлар (янги объектлар, ҳодисалар, жараёнлар, фаолият методлари) вужудга келади. ҳар икки фаолият тури ҳам мустақил равишда ёки ташқаридан кўрсатилган таъсир ёрдамида бажарилади. Мисол учун, номаҳсулдор фаолият кўрсатма (йўриқнома, луғат, устоз) орқали ёки ҳаракатларни бажариш қоидалари тўғрисида бошқа бир ахборот манбалари асосида, яъни кўрсатмасиз, мустақил равишда бажарилади. Маҳсулдор фаолият ҳам маълум методик кўрсатмалар остида бажарилиши мумкин, бироқ бу ерда ҳаракатлар кетма-кетлиги, тартиб қоидалари айна вазиятда янгиланган (фақат ўзи ўчун) ёки ҳеч кимга маълум бўлмаган усуллар воситасида амалга ошади. Демак, бу ерда ҳам икки фаолият даражасини кузатиш мумкин: *эвристик ва ижодий*.

Юқорида баён қилинган фикрларни ҳисобга олган ҳолда ўқувчи (талаба)нинг ўқув материалларини ўзлаштириш фаолиятини ҳар қандай масалаларни еча оладиган қуйидаги тўрт даражага бўлиш мумкин: ($\alpha = I - IV$)

I даража: ташқи кўрсатма таъсиридаги ҳаракат. Бу фаолиятни шартли равишда **ТАНИШУВ** даражаси деб номлаймиз (α_1). Бу даражада ўқувчининг билиб олиш, эслаш қобилияти олдиндан ўзлаштирилган материаллар матни билан қайта танишиш асосида амалга ошишини тавсифлайди. Ўқувчи ўзига

таниш материалларни фақат маълум вазиятларда - бу материаллар олдида турган тақдирда - эслаш имкони бўлади.

Ўзлаштиришнинг биринчи даражаси объектлар, ҳодисалар, жараёнлар тўғрисида умумий тасаввур ҳосил қилиш билан чегараланади ва уларни ўқувчининг билиб олиши шунга ўхшаш бўлган номаълум объектлар қаторида кечади.

II даража: хотира асосидаги ҳаракат Бу фаолиятнинг **АЛГОРИТМ** даражаси деб номлаймиз (α_2). Бу даражада ўқувчининг қобилияти материалларни ёки унинг алоҳида қисмларини ташқи кўрсатмасиз мустақил равишда қайта тиклай олиши билан тавсифланади. Бу ўзлаштиришнинг бирмунча юқори пағонаси бўлиб, ўқувчи ўз хотирасига таянган ҳолда ўқитувчи ўргатган ёки китобдаги мавжуд материалларни маълум алгоритм бўйича тушунтириб бера олади.

III даража : ностандарт вазиятлардаги маҳсулдор ҳаракат. Бу фаолиятнинг **ЭВРЕСТИК** даражаси деб номлаймиз (α_3). Бу даражада ўқувчининг аниқ масаларни ечиш қобилияти ўрганилаётган мавзу бўйича материалларни таниш ва нотаниш вазиятларда мустақил қайта тиклаш эвазига янги ахборотларни қўлга киритиш билан тавсифланади. Бу ерда билимларни кўчириш маълум масалалар синфи билан чегараланган ва бутун бир ўқув предмети бўйича тарқалмаган бўлади.

IV даража: фаолиятнинг янги қирраларини тадқиқ қилувчи маҳсулдор ҳаракат. Бу фаолиятнинг **ИЖОДИЙ** даражаси деб номлаймиз (α_4). Бу даражада ўқувчининг материалларни мустақил конструкциялаш ва қайта ишлаш қобилияти мавжуд ахборотларни янги вазиятларда кенг доирадаги масалалар ечимига кўчириш билан тавсифланади. Фаолиятнинг бу даражаси изланувчанлик, ижодқлолик характериға эға бўлиб, турли вазиятларда ўзлаштирилган кенг доирадаги билимларни қатор объектларда қўллаш билан амалға оширилади.

Шундай қилиб, билим ва кўникмаларни ўзлаштириш сифати бўйича таълим мақсадларининг ташхисланувчанлиги ўзлаштиришнинг зарурий

даражаларини аниқлаштиришни талаб этар экан. Энди қуйидаги саволни ўртага ташлаймиз: мухандис юқорида қайд қилинган «Эни қайси даражада ўзлаштириши керак? Бу саволга жавоб бир хил бўлиши мушкул. Баъзи бир «Э чуқурроқ, бошқалари эса бирмунча паст даражада эгалланиши мумкин. Бу нима билан асосланади? Албатта, биринчи навбатда талабанинг бўлажак фаолиятига ва мутахассислик маҳоратига қўйилган талаблар эътиборга олинади. Агар талаба “қишлоқ хўжалик машиналари“ мутахассислигида таълим олаётган бўлса, шу соҳадаги техникаларда энг кўп учрайдиган механизмларни (1-6), агар келажакда авиация мухандиси бўлса, самолётсозликда кўпроқ қўлланиладиган механизмларни (7-9) чуқурроқ ўрганиши керак бўлади. Ёки бошқача қилиб айтадиган бўлсак, талаба - бакалавр «Эни, асосан, III даражада ўзлаштириши лозим. Демак, таълим мақсадларини (2-элемент) аниқлаш ҳам ўқувчи(талаба)ларнинг «Эни ўзлаштириш даражасига мос ҳолда амалга оширилар экан.

Тест

Юқорида тилга олинган ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун муносиб тестлар ишланиши керак. Тест (инглизча - синаш) - бу бирор бир фаолиятни бажариш учун маълум даражадаги билимни эгаллашга қаратилган топшириқлардир. Тестнинг тўғри бажарилганлигини ўлчаш ва баҳолаш мақсадида ҳар бир тестга эксперт методи ёрдамида эталон ишлаб чиқилади. Ўз эталонига эга бўлмаган ҳар қандай тест, одатдагидек, бажарилиш сифати ҳақида субъектив мулоҳаза юритиш эвазига хулоса чиқарувчи назорат топшириғига айланиб қолади. Шу боисдан тестни қуйидаги рамзий формула ёрдамида ифодалаш мумкин:

$$\text{Тест}(T) = \text{Топшириқ}(T_{\text{ш}}) + \text{Эталон}(Э) \text{ ёки } T = T_{\text{ш}} + Э$$

«қувчи томонидан ижтимоий тажрибаларни ўзлаштириш фаолияти даражалари тегишли топшириқлар ёрдамида аниқланади.

Биринчи даражага тегишли топшириқлар матнида саволлар жавоби берилади. Мисол учун, “қорахонийлар давлати қачон ташкил топади? УП аср охирида: 1X асрда: X аср ўрталарида: ХП асрда: ХШ асрда. Бу матнда тўғри жавоб мавжуд бўлиб, ўқувчи уни топиши талаб этилади. Шунга ўхшаш мисолларни бошқа ўқув предметлари мисолида ҳам келтириш мумкин. “Чумчуқсимонлар туркумига кирадиган гуруҳларни кўрсатинг”. 1) чуғирчик: 2) ҳакка: 3) тувалок: 4) миққий. 5) чил. “Изобарик жараёнда қайси кўрсаткич ўзгарадию, қайсиси ўзгармайди?”

А) V ва T ўзгаради, P - ўзгармайди.

В) P ва T ўзгаради, V- ўзгармайди.

С) P ва V ўзгаради, T - ўзгармайди.

Д) Ҳамма кўрсаткичлар ўзгаради.

Иккинчи даражага тегишли топшириқлар матнида тайёр ечимлар берилмайди, уларни ўқувчи ўзидаги билимларни хотирлаш ва қайта тиклаш асосида топади. Юқорида келтирилган мисолларни бу даража учун ҳам ўзгаришсиз қолдириш мумкин, бириқ улар жавобларсиз берилади (“қорахонийлар давлати қачон ташкил топади?”, “ Чумчуқсимонлар туркумига кирувчи қушлар гуруҳини кўрсатинг?” ва бошқа).

Учинчи даражага тегишли топшириқлар ўқувчидан стандарт (намуна бўйича) билимларни қўллашни талаб этади ва натижада ўзи учун субъектив янги ахборотларни ўзлаштиришни кўзда тутди. “ Шундай кимёвий реакция тузингки, натижада водород хлорид кислотаси ҳосил бўлсин”. Ўқувчи кислотанинг умумий хусусиятларини олдиндан ўзлаштиргани учун бу топшириқни мустақил равишда бажариши талаб этилади. Бошқа мисол: “ Эрксевар , исёнкор қушлар бошлиғи Спартак ва умуман, инсон озодлиги, эрки масаласи Усмон Носирнинг қайси шеърида ифодаланган?”. Ёки: “ Мусбат зарядли зарра магнит майдонида V тезлик билан қуч чиққлари йўналишида кириб келса , унга таъсир этувчи қуч йўналиши топилсин” .

Тўртинчи даражага тегшли топшириқлар ўқувчидан эгалланган билимлар доирасидан чиқиб кетишни ва ижодий фаолликни намойиш

этишни талаб қилади. Бу фаолият жараёнида ўрганилмаган янги ахборатлар вжудга келади. Улар ечиш алогоритимлари номаълум бўлган топшириқлар ҳисобланиб, ўқувчига маълум методикаларни қайта ўзгартириб қўллаш ёрдамида ечиш имконини бермайди. Мисол:” Сизга маълум бўлган барча усуллар ёрдамида $\text{Fe}(\text{OH})_3$ ҳосил бўлиш формуласини ёзинг”, “ Ўзбекистонда ўсадиган қандай ўсимликларнинг илдизи, гули ва баргидан қайси касалликларда фойдаланадиган доривор моддалар бўлади.

Ўзлаштириш коэффициенти

Эталон ёрдамида тест ечимига олиб келадиган жиддий амаллар сонини (Р) аниқлаш қийин эмас.

Ўқувчи(талаба)нинг жавоби эталон билан солиштирилгач, тестнинг сифатли бажарилганлиги тўғрисида тегишли хулосага келинди ва тўғри ечилган амаллар сони (а) ёрдамида ўзлаштириш коэффициенти аниқланди

$$K_{\alpha} = a / p:$$

K_{α} ни аниқлаш ўзлаштириш сифатини ўлчаш амали ҳисобланади (5, 58). Ўзлаштириш коэффициенти меъёрланади ($0 \leq K_{\alpha} \leq 1$) ва у баҳолаш мезони билан таққосланиши мумкин. Бу кўрсаткич ёрдамида ўқитиш жараёнининг тугалланганлиги тўғрисида ҳукм чиқарилади. Агар $K_{\alpha} \geq 0,7$ миқдорда бўлса ўқитиш жараёнини тугалланган (яқунланган) дейиш мумкин, чунки ўқувчиларнинг кейинги фаолияти ўз билимларини мустақил такомиллаштиришга қодир бўлади. Агар ўқувчиларнинг ўзлаштириш коэффициенти $K_{\alpha} \leq 0,7$ бўлса, кейинги фаолиятларида хатоликларга йўл қўядилар ва уларни тузатишга қурби ва қобилиятлари етишмайди.

Шундай қилиб, педагогик айланмага ўқувчиларнинг тажрибани ўзлаштириш даражаси сифатини ўзлаштириш коэффициенти K_{α} ёрдамида аниқ ҳисоблаш методикасини киритиш ПТнинг муҳим принципларидан бирини ифодалашга имкон беради - бу таълимни тугалланганлик принциpidир (5, 59). Шу принцип туфайлигина мактабда ўқитиш жараёни сифатсизлигини келтириб чиқарувчи муаммолар ечими ва йўналишларини излаб топиш соҳасидаги дидактиканинг даврий хатоларидан бири очилади.

Таълим мазмуни

Дидактик масалаларнинг учинчиси -
“таълим (тарбия) мазмуни” (3-элемент)

ёки шундай ахборотлар мажмуасики, улар ёрдамида янги авлодларга умуминсоний ва миллий тажрибалар узатилади.

Нима учун биз юқорида “ихтиёрий танланган таълим мазмуни” деб таъкидладик? Бу ҳақда тасаввур ҳосил қилиш учун мавжуд ёндашувларга мурожаат қилайлик. Таълим мазмунини билим, кўникма ва малакаларга ажратиш узоқ тарихга эга. Бу оқим ҳозирги вақтда ҳам сақланиб қоляпти. “Таълим мазмуни деганда инсон ўқитиш жараёнида эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар ҳажми ва характерли тушунилади” (18, 237). Бироқ билим ва кўникмалар таълим мазмунини мукамал ифодалай олмайди. Баъзи бир бошқа мазмунлар ҳам мавжудки, уларни ўзлаштирмасдан туриб ривожланиш йўқ (14).

Унда таълим мазмунининг тўлалигини, айниқса, эркин Шахсни тарбиялаш мақсадини таъминлайдиган таркибини излашга қандай ёндошиш керак?

Таълим мазмунини лойиҳалашга киришилганда педагогик тизимнинг 1-элементи - мақсад билан ўзаро фарқланадиган томонларини ҳисобга олиш керак бўлади. Чунки ҳар иккаласида ҳам мавжуд. Аслида ҳам шундай бўлиши керак, бироқ педагогик тизимнинг мақсадини белгилашда, юқорида таъкидланганидек, унинг ўқувчилар ўрганиши лозим бўлган рўйхати келтирилади, холос ва улар таълим мақсадини аниқлаш учун хизмат қилади. Таълим мазмунини саралашда эса бошқача маъно касб этади, яъни ахборотларнинг умумий ҳажмидан маълум қисми сифатида ўқувчиларга етказилади. ўқув юртларида ўрганилаётган фанларнинг ниҳоятда кўп, бироқ ҳар бир ўқув юрти турига қараб сони чекланади. Мисол тариқасида бирор предметни, айтайлик, физика фанини олайлик. Бу фан мавзулари бўйича умумтаълим мактаблари учун алоҳида, ўрта махсус, касб-хунар

Примечание [11]: а

коллежлари учун алоҳида, олий ўқув юртлари учун алоҳида аниқланади.

Бунинг учун эса ЁЭ баёни - ўқув дастурлари ишлаб чиқилади.

Ўқув дастури

Ўқув дастури - бу ҳужжат ҳисобланиб,
бўлажак мутахассис шахсига қўйилган

талабларга мос ҳолда таълим мазмунини ва уни ўқувчи(талаба)лар томонидан ўзлаштиришнинг ташкил этиш усулларини ўзида акс эттиради. Ўқув дастурларида умуминсоний тажриба, шунингдек, таълим ва тарбия тажрибаси маълум кўринишда (ёки шаклда) сақланади. Бу тажриба бўлажак мутахассис ўзлаштириши керак бўлган турли хил ахборотлар ва бу тажриба ўқитиш жараёнида қандай узатилиши кераклиги тўғрисида маълумотлардан иборат бўлади.

Ўқув дастурида ЁЭ мақсади аниқ белгиланиши, мазмуни эса маълум дидактик принциплар - тушунарлилик, илмийлик, кўрсатмалилик асосида қурилиши керак. Дастурда ўқув материалларининг тушунарли тарзда берилиши муҳим аҳамият касб этади. Ўқув материалининг тушунарли бўлиши учун у маълум мураккаблик даражасида баён этилади. Шу боисдан дидактикада “оддийдан мураккабликка” қондаси мавжуд. Бу қондага таълим мазмунини изчил ва кетма-кет ёритишда риоя қилинади.

Дастур ўқитиш жараёнида ўзлаштириш керак бўлган саволлар рўйхатидан иборат бўлганлиги учун билимлар мазмунини тўлиқ ёритиб беролмайди. Шунингдек, улар ҳажмини ва чуқурлигини, кўникма ва малакалар мазмуни ва характерини ҳам аниқламайди. Дастур ўқитиш даражаси илмий-назарий ва сиёсий жиҳатдан қандай бўлиш кераклигини, ўқувчиларда дунёқарашнинг қайси қирраларини шакллантириш зарурлигини кўрсатса, дарслик бу муаммоларни аниқ тушунтириб беради.

Дарслик

Педагогик нашрларда “дарслик” тушунчаси тегишли фанга оид илмий билимлар асосларини дастурга мос ҳолда баён қилувчи китоб деб таърифланади. Дарслик дастур мазмунини аниқ кўринишда ифода этади ва бир вақтнинг ўзида унга тескари таъсир кўрсатган ҳолда уни яна ҳам аниқлаштиради, ривожлантиради ва такомиллаштиради.

Дарслик - бу педагогик тизимнинг ахборотли моделидир. Нима учун модел?. Чунки ҳар бир ўқув дарслигида ўқувчи(талаба)лар бажариши керак бўлган ўқув жараёнинг маълум босқичлари кўрсатилган бўлади. Дарҳақиқат, ўқувчилар дарслик мавзуларини ўқиб, ундаги топшириқларни маълум ҳаракатлар кўринишида бажаришади: текширади, ечади, жавоб беради ва ҳоказо. Бу ҳаракатлар дарслик матнларида очик ёки яшрин шаклда берилиши мумкин. Бу, демак, дарсликда маълум педагогик жараён у ёки бу ҳолатда баён этилишидан далолат беради.. Педагогик жараён, шундай қилиб, муаллиф томонидан дарсликда маълум даражада акс этирилган моддий мавжудлик, янгиликдир.

Нима учун дарслик - педагогик тизим модели? Чунки педагогик жараён ҳар доим аниқ бошқариладиган педагогик тизим доирасида амалга оширилади, дарслик эса ўзида педагогик тизимнинг алоҳида хусусиятлари ва томонларини акс эттиради. Афсуски, ҳозирга қадар олимларимиз дарсликдан педагогик тизим модели сифатида, яъни бўлғуси ўқув-тарбиявий жараёни моделлаштириш воситаси эканлигидан фойдаланишмайди. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, дарслик ўз-ўзидан педагогик тизимни моделлаштиради ва ўқув жараёнига айлантирмади - буларнинг ҳаммасини педагог дарсликдан фойдаланган ҳолда амалга оширади.

Ниҳоят, биз нима учун дарслик - педагогик тизимнинг ахборотли модели деб атадик? Бу саволга жавоб содда: чунки модел ахборотларнинг маълум баёни тарзда берилади.

Шундай қилиб, дарслик - автоном таълим воситаси сифатида педагогик тизим элементларининг ахборотли модели ҳисобланиб педагогик жараёни бошқаришни автоматлаштириш учун мўлжаллангандир.

Дарсликда педагогик тизимни моделлаштириш жараёни ва кетма-кетлиги қуйидаги тартибда бориши мумкин :

- дастлаб педагогик тизим мавжудлигининг мақсади аниқланади ва тўлиқ ёритилади;

- кейин қуйидаги умумдидактик принципларни ҳисобга олган ҳолда таълим мазмунини ёритиш амалга оширилади : кетма-кетлик, тушунарлилик, илмийлик, кўрсатмалилик. Таълим мазмунида шундай ахборотлар бўлиши керакки, улар ўқувчи ўзлаштираётган фаолиятнинг йўналтирилган асосларини (қоида, таъриф, хусусият, принцип, алгоритм, метод) ташкил этиши зарур. Таълим мазмунини танлаш унинг мақсадига мос ҳолда дарсликда ёритилиши керак;

- дарсликни яратишнинг кейинги босқичи ва унда педагогик тизимнинг аниқланиши дидактик жараёнларни танлаш ва ишлаб чиқишдан иборат. Бу босқич дарсликда ўқувчиларнинг билишга қаратилган ҳаракатларини маълум тизимда ифодалашга ва таълим мақсадига мос ҳолда бу фаолиятни боқаришни таъминлашга тегишлидир;

- дарсликни яратишнинг якуний босқичи таълимнинг ташкилий шакллари чегаралаш ҳисобланади. Дарсликда мавзулар бўйича ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар тизими ўқитишнинг мақбул шакллари (дарс, амалий машғулот, масала, топшириқ, уй иши ва ҳоказо) мос ҳолда ёритилиши керак. Бу ўқитувчи ва ўқувчиларнинг дарсликдан фойдаланиш фаолиятини тартибга солиб туради.

Юқорида биз дарслик яратишга янгича - тизимли ёндошиш йўлини кўрсатишга ҳаракат қилдик. Умуман олганда дарсликни такомиллаштириш икки йўналишда бориши мумкин: биринчиси -мазмунини янгилаш, иккинчиси - янги дидактик ечимларни излаб топиш.

Замонавий дарслик мазмунини ўқувчи(талаба)ларда ўзининг ўзбек миллатига мансублигини англаб етишни, давлатимизнинг ташқи ва ички сиёсатига содиқликни тарбиялаши керак. Бу деган сўз мамлакатимизда мустақиллик йилларида рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ислохатлар,

маънавий-маърифий соҳадаги ютуқлар дарсликда ўз ўрнини етарлича топиши кераклигини кўрсатади. Бу нафақат ижтимоий-гуманитар циклдаги фанларга, балки табиий-математика фанларига ҳам бир хилда тегишлидир.

Дарслик мазмунини такомиллаштиришда унинг политехник жиҳатларини чуқурлаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Дарсликлар у ёки бу ихтисосликка мос ҳолда ўқувчи(талаба)ларни замонавий ишлаб чиқаришнинг асосий йўналишлари, унинг бош соҳалари, етакчи касблари, янги техника ва технологиялари, меҳнатни ташкил этиш асослари билан таништириши керак.

Дидактик нўқтаи назардан ўз ечимини дарсликда топиши керак бўлган муаммолар қаторига ўқув предмети цикллари бўйича ички боғланишга ҳам, предметлараро боғланишни таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиш, дарсликларга киритилаётган янги тушунчаларни ҳам обдон ўйлаб, тушунарли бўлишини ҳисобга олиб киритиши каби масалаларни кўрсатиш мумкин.

Шундай қилиб, яратилган дарслик маълум фан соҳасининг ўқув услубий мажмуасидан (ўқув дастури, қўлланма, ўқитиш воситалар ва бошқа) марказий ўринни эгаллаши унинг замонавийлигини кўрсатиб беради.

қуйида таълимнинг ташхисланувчан мақсади ва илмий мазмунини ойдинлаштиришга қаратилган қатор кўрсаткичлар билан танишасиз.

1. Таълим мазмунининг мураккаблиги. Мураккаблик турли дарсликлар мазмунинг абстракция поғоналари нисбатини таққослаш асосида аниқланувчи нисбий тушунчадир. Таълим мазмунининг абстракция поғонаси қанчалик юқор бўлса, уни ўзлаштириш шунчалик мураккаб бўлади. Шу билан биргаликда “мураккаблик” бир мунча объективликка эга. Мисол учун, икки дарслик ўзаро таққосланиб, улардан бирининг мураккаб ёзилганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Шу боисдан бу тушунча ўқув дастури ва дарсликлар яратишда жуда муҳим тушунча ҳисобланади. Сабаби ҳар бир дарслик ўқувчиларнинг билиш фаолиятини мустақил ўқув ишлари тарзда ташкил этишни кўзда тутди. Ўқув предметининг мураккаблиги “одийдан мураккаблика” деб номланган муҳим дидактик қоида билан тавсифланади.

Маълумки, бу қоида оддий ўқув материални ҳар доим бир мунча қийин бўлгани билан босқичма-босқич тўлдириб боришни тақозо этади. Аниқ ўқув материали баёни учун “соғда” ва ”мураккаб” тушунчаларни қўллаш мумкин, бироқ бу баҳолаш мезонлари ҳам яхлитликка даъвогарлик қилолмайди, чунки ўқув материали бир ўқувчи учун мураккаб бўлса, бошқаси учун эса тушунарли бўлади. Шу боисдан ўқув предметини ўрганишда паст абстракция поғонасида ифодаланган материалдан юқори абстракция поғонасида ёзилган материалларга ўтиш ва ўқувчиларни бу ўтишга олдиндан тайёрлаш керак бўлади.

2. Ўзлаштиришнинг автоматлашув даражаси (K_T) . Ижтимоий тажрибани ўзлаштириш сифатини баҳолаш учун уни ўзлаштириш даражаси(α) ва баён қилишда абстракция поғоналари (β) каби тушунчалардан ташқари кўпчилик фаолият тури учун яна бир муҳим кўрсаткич - тажрибани эгаллаш даражаси ёки асосий амаллар ва усулларни ўзлаштиришда автоматлашув даражаси - малакалар мавжудлиги ҳисобланади. “Малака” тушунчаси қатор педагогик мақолаларда етарлича ёритилган бўлсада, бироқ уларни ўлчаш ва меъёрлаш билан методика фани ханузгача шуғулланмайди. Айни вақтда таълимга қўйилган асосий талаб - унинг сифати эканлиги эътироф этилаётган бир шароитда малака муаммосига етарлича диққатни жалб этиши керак бўлади. Малака ақлий ва амалий ҳаракатларни бажариш кўникмаларининг маълум ўлчовда автоматлашуви деб таърифланади. Демак, кўникма ва малака ўртасидаги фарқ эгалланган ҳаракатни тавсифлаш усулида экан: агар ҳаракат мазмун бўйича (ўқияпти, ёзаяпти, ечади, бажаради) тавсифланса биз кўникма билан иш кўраётган бўламиз, агар ҳаракат уни бажариш тезлиги (вақти) билан ҳам тавсифланса, унда гап ҳаракатнинг автоматлашуви - малака ҳақида боради.

Ўқувчиларнинг тажриба(фаолият)ни эгаллаш даражаси олдиндан белгиланган вақт (τ) билан боғлиқдир. Шу боисдан у ёки бу топшириқни бажариш учун ўқувчиларга маълум вақт ажратилади. ($\tau_{\text{ўқ}}$) ва бу вақт ана шу топшириқни тажрибали мутахассис томонидан бажариш вақти ($\tau_{\text{м}}$) - эталон

билан таққосланади. Уларнинг ўзаро нисбати “эгаллаш даражаси коэффиценти ёки автоматлашув даражаси”ни (K_T) билдиради, яъни:

$$K_T = \tau_m / \tau_{\text{ўқ}} \quad (5, 81)$$

Ўқув жараёни учун даъвогар кўрсаткич - бу $\tau_{\text{ўқувчи}}$ ҳисобланади, чунки $\tau_{\text{мутахассис}}$ тажриба синов натижасидан бизга ҳар доим маълум. Демак, K_T - автоматлашув даражасининг секинлашуви ёки тезлашувини ифода этадиган ижтимоий ўзгарувчан коэффицент экан.

3. Ўзлаштириш сифати - англашувчанлик (γ). Инсон томонидан фаолиятни сифатли бошқариш шартларидан бири - уни тушуниб етиш, англаш даражаси ҳисобланади. Англаган ҳолда тажрибаларни ўзлаштириш шунчалик муҳимки, ҳатто дидактикада унга алоҳида эътибор қаратилган: ўқувчиларнинг билимларни англаб, тушуниб ўзлаштиришни талаб этадиган дидактик принцип мавжуд. Педагогик нашрларда билимларни англаб ўзлаштириш ёки инсоннинг ақлий ривожланиш даражаси учга бўлинади.

Биринчиси - ҳаракат усуллари танлаш аргументи маълум вазиятларда предметдаги бир хил объект ва ҳодисаларни ифодаладиган тор доирадаги тушунчалар ва қонуниятларга таянади. Бу англашувчанлик поғонаси предметли деб номланади. Ҳаракатларни предметли англашга ўқувчиларнинг математика, физика, кимё, адабиёт ва бошқа предметлардан масалалар ечишни мисол тариқасида кўрсатиш мумкин.

Иккинчиси - ўқувчилар ҳаракат усуллари танлашни аргументлашда бирор предмет маълумотларини бошқа предмет доирасидаги билимлар билан қўшишга таянади. Мисол учун, кимёвий масалаларни ечишда физикага, биологик - кимёга таяниб иш кўрилади. Бу англашувчанлик поғонаси предметлараро деб номланади.

Учинчиси - аргументлаш учун турли фан соҳалари маълумотларига мурожаат этилади. Бу даражани шакллантириш учун янги илмий билимларнинг тизимли таҳлили, амаллар таҳлили, фаолиятни ахборотлаштириш каби ақлий даражалари хизмат қилиши мумкин. Бу англашувчанлик поғонаси тизимли деб номланди. Шундай қилиб,

англашувчанлик поғоналари - $\gamma_1, \gamma_2, \gamma_3$ бўлиши мумкин. Фаолиятни англашувчанлик ўқитиш сифатини белгиловчи кўрсаткич ҳисобланиб, таълим мақсади сифатида берилиши ва ўқитиш жараёни унинг натижаси сифатида жорий этилиши мумкин. Шу боисдан ўқув материални ўзлаштиришнинг англашувчанлик коэффициенти ($K\gamma$) киритилади:

$$K\gamma = \gamma_{\text{ўк}} / \gamma_{\text{синф}} \quad (5, 83)$$

бу ерда: $\gamma_{\text{ўк}}$ - ўқувчиларни ўқув материални ўзлаштиришда англашувчанлик даражаси бўлиб 1.2,3 шкала билан баҳоланади. γ синф - синф бўйича англашувчанлик даражасининг ўртача қиймати. Бу англашувчанлик кўрсаткич (γ) “ўзлаштириш даражаси (α) билан қандай боғланишда бўлиши мумкин? Маълум бўлишича “ α_1 ” ва “ α_2 ” фақат “ γ_1 ” да, “ α_3 ” эса “ γ_2 ” билан тўғри келиши мумкин, фақат фаолиятнинг “ α_4 ” даражаси “ γ_3 ” га таянишни талаб этади.

<p>Таълим мазмунини дидактик тайёрлаш</p>
--

Таълим мазмуни маълум қонуниятлар асосида дидактик тайёрланмас экан,

уни белгилаган вақт давомида ўзлаштириш мураккаб кечади, қатор ҳолларда бу мазмун ўқувчиларнинг ўзлаштириш қобилиятига мос келмай қолади. Шу боисдан ўқувчиларнинг ўзлаштириш бўйича ўқув ишларини енгиллатиш мақсадида таълим мазмунига нимадир киритиш ёки педагогика фани тўплаган бошқа бир усулларни таклиф этиш керак бўлади.

Таълим мақсади маълум: ўқувчилар дарсда β - абстракция поғонасида ёритилган, ўзлаштириш даражаси α , автоматлашув даражаси - K , англашувчанлиги - γ бўлган N та ўқув элементларини ($\alpha\gamma$) ўзлаштириши керак. Агар бу кўрсаткичларга таклиф этилаётган таълим мазмунини ўқувчилар томонидан ўзлаштириш тезлиги (C) қўшилса, ўқиш жараёнини ўтказмасдан туриб ўқув материалининг уларга тушунарлиги ёки йўқлигини аниқлаш мумкин бўлади. Бу амални мажбурий тартибда бажариш керак,

сабаби ортиқча ўқув юкламаси ўқувчи(талаба)ларни нафақат чарчатади, балки қўшимча равишда фаолиятга қизиқишларини ҳам йўқотади. Бу ҳақиқат бизнинг узоқ ҳамкасбларимизга ҳам яхшигина таниш бўлган ва улар бу талабни ўқитишни якка тартиблаштириш талаби сифатида ёзиб қолдирганлар. Бироқ улар таълим мақсадини тушунарли бўлишини аниқ методлар ёрдамида баҳолаш мумкинлигини англаб етмадилар ва бу ишни ўқитувчининг хусусий интуициясига боғлаб қўйдилар.

Академик В.П. Беспальконинг таъкидлашича, қатор педагогик мақолаларда ва ҳатто диссертацияларда ҳам ҳеч кимни мажбурламайдиган қуйидаги тавсияларни ўқиш мумкин: “мактаб дастурлари мазмунини диққат билан таҳлил қилиш, улардаги эскирган материалларни аниқлаш ва дастурларни мумкин қадар энгиллатириш керак“ (6, 104). Таажуб, қандай қилиб ва қанчага “енгиллаштириш“ керак, буни ҳеч ким билмайди ва бу ҳақда педагогикада ҳам ҳеч нарса ёзилмаган. Шу боисдан В.П. Беспалько томонидан таклиф этилган методикани қисқача изоҳлашга эътиборни қаратайлик.

У ёки бу ўқув материалининг ўқувчиларга тушунарли бўлишини ҳисоблаш учун дастлабки шартларни эслаш зарур: ўқиш жараёни ўқувчиларнинг ўқув материалларида ифодаланган баъзи ахборотлар ҳажмини қабуллаш, қайта ишлаш ва сақлашдан иборат. Ўзаро боғлиқ бўлмаган ва ташхисланувчан кўрсаткичларни маълум йиғиндиси ёрдамида бу ахборотларни ўқувчилар томонидан ўзлаштириш сифати, табиийки, уни ўқитиш сифати ёки уларнинг ўрганаётган предметдан эгалланган фаолияти сифати ёритилади. Бу боғланмаган кўрсаткичлар йиғиндиси китобхонга маълум:

N - таълим мазмунидаги α Э сони;

α - ўқув ахборотларини ўзлаштириш даражаси;

β - ўқув ахборотлари баён қилинадиган абстракция поғоналари;

H - бир ўқув элементида баён қилинадиган ахборотларнинг ўртача қиймати;

γ - ахборотларни ўзлаштиришда англашувчанлик даражаси;

K_{τ} - ўзлаштиришнинг автоматлашув даражаси.

Бу кўрсаткичлар ёрдамида ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари учун таклиф этилаётган ахборотлар ҳажмини ҳисоблаш формуласини тузиш мумкин: $Q = \frac{N (\alpha^2 \beta) N_{\gamma} K_{\alpha}}{1 - K_{\tau}}$, ахборотларнинг иккиламчи бирлиги (6, 105).

Ўқувчининг дарс мазмунини ўзлаштириш тезлиги (C) тажриба-синов йўли билан аниқланади. Унинг тақрибий қиймати оддий ҳоллар учун $0,1 \div 0,3$ иккиламчи бирлик/сек. га тенг. Бу катталик ёрдамида ана шу мазмунни ўзлаштириш учун кетган вақт:

$$T = Q / C, \text{ сек(мин, ўқув соати).}$$

Кейин эса ўқувчиларнинг юкланганлик коэффиценти (ε) аниқланади. Агар айнан шу материални режа (дастур) да T_r сондаги ўқув вақти эвазига ўрганиш керак бўлса, у ҳолда:

$$\varepsilon = T / T_r$$

Тадқиқотнинг кўрсатишича, агар $\varepsilon > 1,5$ бўлса ўқувчилар ўқув предметини асосли равишда ўрганишга улгурмайдилар ва улар билан юзаки танишадилар ($K_{\alpha} \approx 0,3 \div 0,5$).

Юкланганлик коэффиценти ўзлаштириш тезлигига боғлиқ бўлиб, ўқувчи учун домий миқдор эмас ва унинг қиймати ўқитувчи лойиҳалайдиган дидактик жараёнга боғлиқ бўлади. Дидактик жараён қанчалик ёмон ташкил этилса, ўқувчи учун ўқув юкламаси шунчалик сезиларли бўлади. Бу ҳақда кейинги фаслда батафсил тўхталамиз.

2.2. Дидактик жараён педагогик технология асоси сифатида

Ўқитувчи фаолиятининг муҳим босқичи - бу дидактик жараён (ёки ўқув-билиш тузилмаси)ни лойиҳалаш ҳисобланади. Айнан шу дидактик жараён педагогик технологиянинг асосини ташкил қилади ёхуд у белгиланган вақт ичида таълим (тарбия) мақсадига эришиш учун ЎЭ мазмунини ўқувчи(талаба)ларга узатиш йўллари аниқлаб беради. Шу билан биргаликда дидактик жараённинг

назарий асосларини яхши билмасдан туриб самарали педагогик технологияни яратиш мумкин эмас.

Хўш, дидактик жараён моҳияти нимадан иборат? Уларни лойиҳалашга қандай педагогик талаблар қўйилади? Психология ва педагогика фанида дидактик жараён мутахассис шахсини шакллантириш жараёни сифатида талқин этилади. Шу ўринда илмий раҳбарим академик В.П. Беспалько билан бўлиб ўтган бир мунозара матнини қисқача келтириб ўтсам:

Н.С.: Владимир Павлович, сиз нима учун ўқитиш жараёнини дидактик жараён деб уқдирасиз, улар ўртасидаги фарқ нимадан иборат?

В.П.: Ўқитиш жараёни “классик қоида”га бўйсинади. Яъни ўқитувчи синф (аудитория)га кириб, дарс мавзусини эълон қилади-ю, дарҳол унинг мазмунини баён қилишга киришиб кетади. Дидактик жараён эса ҳар бир дарс(маъруза)ни бошладан олдин ўқувчи(талаба)лар диққатини жалб қила оладиган фаолият босқичи - мотивацияни вужудга келтиришдан бошланади. Ана шу мотивация босқичи ўқув-билиш фаолиятининг калити ҳисобланади. Афсуски, бу калитдан ҳанузгача ўқитувчилар таълимнинг сеҳрли сандиғини ечиш учун фойдаланишмайди (февраль, 1981).

Дастлаб ўқитиш жараёни тузилмаси билан танишайлик.

Бу жараённи рамзий тарзда қуйидаги шартли формула билан ифодалаш мумкин.

$$\square Ж = \square Ф + \square қ Ф,$$

қаерда: $\square Ф$ - ўқувчи бажарадиган ўқув фаолияти; $\square қ Ф$ - ўқитувчи бажарадиган ўргатувчилик фаолияти. Бу формула асосида жуда муҳим саналган №1 педагогик қонун қайд этиляпти: ўқувчининг хусусий ўқув фаолияти ва унга ҳамоҳанг бўлган ўқитувчининг ўргатувчилик фаолиятдан ташқари ҳеч қандай ўқитиш жараёни мавжуд бўлмайди.

Қўплаб психологик-педагогик адабиётларни ва тадқиқотларни ўрганиш натижасида дидактик жараён ўзаро боғлиқ бўлган қуйидаги компонентлардан иборат эканлиги маълум бўлди: **мотивация (М)**, ўқувчи (талаба)нинг **ўқув-билиш фаолияти ($\square Ф$)** ва уни педагог томонидан **бошқариш (Б)** унинг шартли формуласи:

$$Дж = М + \square ф + Б \quad (5, 96).$$

Бу жараён босқичларини ўрганишдан олдин юқорида келтирилган икки формулани ўзаро таққослаш зарур бўлади. Эътибор берсангиз, ўқитиш жараёни икки фаолият туридан - ўқитувчининг ўргатувчилик ва ўқувчининг ўқув фаолиятдан иборат. Ўқитиш жараёнининг ана шу компонентлари дидактик жараённинг кейинги икки босқичи билан бир хил маъно касб этаяпти ёки бир хил фаолиятни ифодалайди. Бир биридан фарқи - дидактик жараёндаги дастлабки элемент - бу мотивация босқичининг мавжудлигидир. Ўқув-билиш фаолиятининг мотивацияси ўқитувчи маҳоратига тегишли тушунчадир.

Дидактик жараён тузилмасини батафсил таҳлил қилишга киришайлик.

Мотивацион босқич

Мотивация - бу шахс ҳатти-ҳарактини юзага келтирувчи ички ҳаракатлантирувчи куч,

ҳиссиёт бўлиб, педагог уни бошқаришга ҳаракат қилади ва ўқув жараёнини ташкил этиш учун ҳисобга олади. Уни амалда вужудга келтириш учун ўқитувчи ўрганилаётган фаолият тажрибаларидан таассуротли далилларни махсус йиғиши ва ўқувчиларга ўқитилаётган предметнинг асосий ҳолатлари бўйича билимлар

асосида ноқулай вазиятлардан чиқиб кетиш йўллари намоёни қилиш керак. Ўқитувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ ҳолда ўқувчиларда ҳосил бўладиган мотивлар кучли ёки кучсиз бўлади. Демак, ўқитувчи ҳар бир дарс мақсади ва мазмунига мос келадиган мотивация меъёрини аниқлаши лозим бўлади. Педагогикада ўқувчиларни дарсга қизиқтириш йўллари хилма-хилдир. Бирмунча самарали бўлган методика - бу муаммоли вазиятларни машғулоти бошланишида ўқувчиларга таклиф этиш ёки предмет мавзусини ифода эта оладиган махсус муаммоли топшириқлар берилиши керак.

Муаммоли вазиятлар ўзида ўқувчининг қийинчиликлари (муаммони) аниқ ёки хира аниқлашни ифодалайди ва уни ҳал этиш янги билимларни, янги усул ва ҳаракатларни излаб топишни талаб этади. Агар ўқувчида қийналишларни бартараф этиш йўллари кидириш учун бошланғич билимлар етишмаса, у муаммоли вазиятларни қабул қила олмайди ва табиийки, тафаккурида кураш ва қарама-қаршилиқ жараёни кечмайди.

Мавжуд вазиятларнинг уч кўринишини келтириш мумкин:

1. Вазият маълум. Уни ҳал этиш учун шунга ўхшаш аниқ намуналар мавжуд бўлади. Бундай ҳолатда вариантни ечиш методи стандартли бўлиши мумкин.

2. Вазият ўхшаш. Бундай ҳолатда уни шунга ўхшаш бошқа вазиятлар билан таққослаш зарур. Улар бир бирига айнан ўхшаш бўлмаслиги мумкин, бироқ яхлит асосга эга бўлганлиги учун унинг кўринишини ўзгартириб қаралаётган вазиятга яқинлаштириб мақбуллаштирилади ва оқилона ечиш йўли топилади.

3. Номаълум вазият. Бундай вазият амалий фаолиятда учрамайди, уни бошқа қандайдир намуна билан солиштириш имкони йўқ. Шу боисдан ечимнинг янги методини излаб топиш зарур бўлади.

Муаммоли вазиятлар таълим мақсадини қўзғаб олдиндан конструкцияланади ва ўқитиш жараёнининг маълум қисмига киритилади. Дидактик жараённинг мотивация босқичи эса муаммоли топшириқларни кўпроқ дарснинг бошланғич қисмига киритишни ва ўқувчилар диққатини дарс мавзусига тўлиқ жалб этишни тақозо қилади. Ўқувчи ҳам ўз навбатида таниш вазиятлардан янги муаммоларни кўра олиши, объектнинг янги вазифаларини, объект тузилишини аниқлаб олиши, муқобил ечимларни топа билиши каби ижодий фаолиятни намоёни қилиши керак.

Дидактик жараённинг мотивацион босқичи ўқувчи (талаба)ларнинг билиш фаолиятига кириб кетишни тезлаштиришга имкон беради. Бу фаолиятни керакли фаоллик даражасида ушлаб туриш учун уни ташкил этиш методлари ва усулларини ўқитувчи ўқувчиларнинг ўзлаштириш сифатига боғлиқ ҳолда танлай олиши керак.

Мисол учун, кучланиш, ток кучи, сиғим каби физик катталикларнинг ўзаро боғлиқлигини тушунтириш мақсадида ўқитувчи қуйидаги муаммоли вазиятни қўллаш мумкин: “Ураль” коляскали мотоциклда ҳам трактор (автомобил)да ҳам бир хил кучланиш (12В) аккумулятор ишлатилади. Бироқ мотоцикл аккумулятори тракторга ўрнатилса двигателни ўт олдира олмайди. Нима учун? Агар ўқувчи ток кучи, сиғим каби тушунчаларни яхши ўзлаштирган бўлса муаммонинг ечимини тезда топади ва тўғри хулосага келади: аккумулятор қуввати кучланишга эмас, балки ток кучига ва сиғим катталигига боғлиқ бўлади.

Дарс мавзусини тушунтиришда тарихий материаллардан фойдаланиш ҳам ўқувчиларда кучли мотивларнинг вужудга келишига, билишга қизиқишини кучайтиришга сабаб бўлади. Бироқ ўқув материаллини баён қилишга тарихий ёндашиш қўшимча характерга эга бўлиши, мавзу бўйича эгалланаётган билимлар тизими ичида мантиқийлик сақланиши керак.

У ёки бу мавзуга оид қисқа метражли кино кадр ҳам кучли мотивацион омил ҳисобланди. Бироқ кинодарс ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида бўладиган эвристик сўхбат мазмунига замин яратиши керак, шундагина ўқувчиларда мавзуни ўрганишга эҳтиёж туғилади ва кўзлаган мақсадга эришилади. Ўқитувчи англаб етиши керак бўлган ҳолат шундан иборатки, дарсда мотивларни ўқувчиларда ривожлантириш асосий мақсад эмас, балки ўқувчининг билиш фаолиятини тезлаштириш воситаларидан бири саналади.

Ўқув фаолияти

Ўқувчилардаги мотивация характери кўп жиҳатдан уларнинг ўқув фаолиятига

боғлиқ. Ўрганиш бу кенг маънода - ўқувчиларнинг янги билимларни ўзлаштириш жараёнидир. Лекин ҳар қандай ўрганиш ҳам ўқув фаолияти бўла олмайди. Ўрганиш ўқув фаолияти даражасига кўтарилиш учун ўқувчилар билимларни эгаллаш давомида уларни бойитадиган ўқув ҳаракатларининг янги усулларини ўзлаштириши, мустақил равишда ўқув топшириқларини белгилаши, ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз хусусий ўқув фаолиятини баҳолаш мезонларини билишлари керак.

Педагогик жараён билан шуғулланувчи ҳар бир кишига маълумки, билимларни ўқувчи(талаба)лар томонидан эгалланиши уларнинг хусусий ўқув фаолияти (психологлар тилида - билиш фаолияти) натижаси туфайли рўй беради. Психологлар бу фаолият турини кенг қамровда ўрганиб чиққанлар ва унинг билим, ҳаракатларни эгаллашга олиб келадиган турли кўринишдаги тузилмасини аниқладилар (Гальперин П.Я., Тализина Н.Ф., Чебишева В.В.). Бироқ психология фани ҳанузгача ўқитишда ўқувчиларнинг кетма-кет билиш ҳаракатларининг энг яхши таркиби тўғрисида яқдил фикрга келганларича йўқ. Бу таркиб ва ўқувчиларнинг билишга оид ҳаракатларининг кетма-кетлиги мавжудлик алгоритм (МА) деб номланади (6, 115). МА, биринчидан, бу ҳаракатларнинг қатъиян кетма-кетлигини, иккинчидан, уларнинг натижалари ҳам қатъиян олдиндан аниқланганлигини таъкидлайди. Шу боисдан МА моҳият жиҳатдан ўқув-билиш назарияларининг турига (элементар мулоқат, ассоциатив, бихевиоризм, гештальт, аклий ҳаракатларни босқичли шакллантириш) мос ҳолда турли кўринишга ва мазмунга эга бўлади. ҳар қандай МАнинг инвариатив элементи - бу ўқув жараёнида ўзлаштириш даражаси бўйича кетма-кет ҳаракатланишидир. ҳаракат “қадам” нинг ўзи ва ҳар бир “қадам” мазмуни танланган ўзлаштириш назариясига боғлиқ бўлади. Танлаш усули ва танланган ўзлаштириш назариясининг сифат мезонлари - ўқитувчининг педагогик фаолиятидаги муҳим мўлжал ва унинг педагогик технологияси тавсифномаси ҳисобланади (5, 106).

Тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳар қандай ўқув фаолияти фаолиятнинг умумий лойиҳаси бўйича курилади ва ўзида **мўлжалли (йўналтирувчи), бажарувчи, назорат қилувчи ва тузатувчи** ҳаракатларни мужассамлаштиради. Унинг шартли формуласи:

$$\Phi = Mx + Bx + Nx + Tuz$$

Бу ҳаракатларни ўқувчилар бевосита ўқитувчи ёки дарслик ёрдамида турлича тўлиқликда ва турлича таълим назариясига таянган ҳолда бажаришлари мумкин. Ўқитувчи дастлаб ўқувчидаги мавжуд ҳаракат турларини кузатиши керак. Ўқув ҳаракатларининг алоҳида ҳар бири Эни ўзлаштиришнинг маълум босқичида намоён бўлади. Мисол учун, Мх ни бажарилиши ва ўқув топшириқларини ўзлаштириши қуйидагича амалга оширилади: а) ўқитувчи белгиланган тайёр

топшириқларни тушуниб етиши; б) ўзи учун бу топшириқларни фаол қабул қилиши; в) мустақил равишда ўқувчиларнинг ўқув топшириқларини ўрнатиши; г) бир қанча ўқув топшириқларини мустақил ўрнатиши.

Ўқувчининг мўлжалли ҳаракатлари (Мх) ўзлаштириш давомида шундай ахборотлар билан таъминланадики, улар ўқувчи эгаллайдиган ҳаракат қонунлари ва усулларини умумий кўринишда ифодалай олади. Одатда Мх ҳар бир ўқув топшириғини бажаришда маълум кетма-кетликка риоя қилишни тақозо этади ва бу ҳаракатлар тизими кўпинча йўриқли харитада ўз аксини топади. Бу хариталар ёрдамида ўқув материалларини ўзлаштириш давом этади, бироқ энди бу жараён билиш фаолиятининг кейинги бажарувчилик босқичида рўй беради.

Бажарувчи ҳаракатлар (Бх) ҳам ўзлаштиришнинг турли босқичларида бўлиши мумкин: а) асосий ўқув ҳаракатларининг бажарилиши (таҳлил, ўзгартириш, таққослаш, моделлаштириш); б) алоҳида ҳаракатларни операциянинг бир звеноси сифатида бажарилиши; в) бир масаланинг ечимига қаратилган ва йирик блоklarга қўшилган ҳолда амалга ошадиган бир қатор ўқув ҳаракатларини бажариш; г) бу йирик блоklarни англаш даражасида (кўникма) ёки “автоматик” (малака) даражасида амалга оширилиши.

Ақлий ҳаракатларни босқичли шакллантириш назариясида ўқувчининг бажарувчи ҳаракатлари (Бх) ўқув-билиш фаолиятининг турли шакллари кетма-кет алмаштирадиган амалларни босқичли жараён сифатида ташкил этишни тақоза этади, яъни: ташқи, моддийликдан (Мд) ички нутқ (Нт) шакли орқали ақлий (Ақ) ҳаракатга. Мавжудлик алгоритмининг бу босқичи рамзий тарзда қуйидагича ифодаланиши мумкин:

$$Бх = Мд + Нт + Ақ$$

Кейинги босқич - назорат қилувчи (Нх) ҳаракат мавзу бўйича ЎЭни ўзлаштириш даражаси ўқувчининг ўз-ўзини назорат қилиши эвазига амалга оширилади ва эталон билан солиштирилади. Агар ўзлаштириш даражаси паст ($K\alpha \leq 0,7$) бўлса, у ёки бу ҳаракат босқичида йўл қўйилган хатолар ўқув фаолиятининг тузатувчи босқичида (Туз) аниқланиб, тузатишга оид дидактик жараён ташкил этилади. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, Туз операцияси - бу шунчалик ўқувчининг машқ бажаришида ёки тест ечишида йўл қўйган хатоларини тузатиш эмас, балки дидактик жараённи тузатиш, қайта куриш демакдир. Агар Нх ўқув фаолиятининг барча босқичлари учун тегишли бўлса, Туз ҳаракати зарурий ҳолда, яъни $K\alpha \leq 0,7$ бўлган ҳоллардагина амалга оширилади. Агар $K\alpha \geq 0,7$ бўлса Туз га ҳожат қолмайди ва кейинги босқичларга қадам қўйилади.

Ўқув фаолияти ҳаракатларининг барчаси ўқувчи томонидан номахсулдор ва махсулдор даражаларда бажарилиши мумкин. Масалан, номахсулдор даражада ўқувчи ҳаракати йўриқнома ёки намуна бўйича бажарилади ёки қабул қилинган усулларни бирмунча ўзгартирган ҳолда хато ва уринишлар ёрдамида амалга оширади.

Ўқув фаолиятининг муҳим тавсифномаларидан бири - унинг натижасидир: объектив - ечимнинг тўғрилиги; натижани олгунга қадар ҳаракат ва қадамлар сони; вақт сарфи; субъектив - ўқувчи учун ишнинг муҳимлиги, яқундан субъектнинг қаноатланиши, куч сарфи ва бошқа.

Бошқариш

Дидактик жараённинг сўнгги таркибий қисми - ўқув-билиш фаолиятини бошқариш ҳисобланади. Шунинг қайд этиш жоизки, ҳар қандай ўқув фаолиятини бошқариш имконияти мавжуд. Бошқариш тизими икки - бошқарувчи ва бошқарилувчи объектдан иборат бўлади. Агар дидактик жараёнда ўқитувчи бошқариш субъекти ҳисобланса, ўқувчилар - бошқариш объектидир. Субъект узлуксиз тарзда таълим мақсадига мувофиқ объектга бевосита ёки билвосита таъсир ўтказади. Объект ҳам ўз навбатида субъект томондан ўрнатилган мақсад ва вазифаларни тўғри англаб етиши ва унга эришиш чораларини кўргандагина ўқув фаолиятининг самараси тўғрисида фикр юритиш мумкин бўлади. қуйида олий ўқув юр்தларининг ўқув-тарбия жараёнини бошқариш тизимини келтирамиз (4 -расм).

4 - расм. Ўқув-тарбиявий жараёнини бошқариш субъекти ва объектларининг ўзаро таъсири (Р - ректор, Д - декан, К - кафедра мудири, Ў - ўқитувчи, Т - талаба).

Педагогикада ўқув фаолиятини бошқаришнинг кибернетика фанида ишлаб чиқилган таснифидан фойдаланилади: очик, ёпиқ ёки циклик, ёйилган. Дидактик жараёни бошқаришда кўпроқ циклик турдаги бошқариш тизими кўл келади. Сабаби зарурий ўқув ҳаракатлар тўғрисидаги ахборотар оқими ўргатувчидан тўғри алоқа ёрдамида ўрганувчиларга узатилади. Асосий ҳаракатларни бажарилганлиги ҳақидаги маълумотлар эса тескари алоқалар ёрдамида ўрганувчидан ўргатувчига узатиш имконияти мавжуд бўлади. Демак, ўқув фаолиятини бошқариш циклик тарзда, яъни: “ўргатувчи - ахборот - ўрганувчи“ тизими кўринишида амалга ошар экан.

Ёпиқ бошқариш доимо ҳар бир ўқув элементи бўйича ўқитишнинг асосий кўрсаткичларини (α , β , γ , τ) ўқувчининг ўқув фаолияти жараёнида кузатишни ва бу кўрсаткичлар белгиланган меъёридан фарқ қилса фаолият учун зарурий тузатишларни амалга оширишни тақозо этади.

Ўқитишда бошқаришнинг ёпиқ усулидан фойдаланишнинг бирмунча содда усули - бу ўқувчини сўроқ қилиш ва ўқув материални ўзлаштиришда йўл қўяётган хатоларини зудлик билан тушунтириш, сўроқ натижаларини ҳисобга олган ҳолда қўшимча машқлар бажариш зарур.

Бошқаришнинг муҳим жиҳати шундаки, агар Ма фақат ўқувчи томонидан бажарилса, бошқариш алгоритми (Б) ўқитувчи томонидан ёки ўқувчи ҳам бажариши мумкин. Бунинг учун ўқитувчи нафақат ўқувчиларга топшириқ ёки машқ тавсия этади, балки уларнинг тўғри жавобларини (эталонларини) ҳам беради. Шунда ўқувчилар ўз фаолиятларини текшириши ва ҳаракатларини тузатиш имконига эга бўладилар.

Шундай қилиб, дидактик жараёни (4-элемент) лойиҳалаш қонуниятларини юқорида баён қилдик. Бироқ унинг ҳар бир босқичи илмий жиҳатдан асосланган

Ўқитиш методлари ва воситаларини танлашни талаб этади. Дидактик жараёнинг ҳар бир босқичига мос келадиган ёки дидактик жараён назариясига асосланган ўқитиш методлари таснифи педагогика фанида 1983 йил ишлаб чиқилди ва педагогик амалиётга жорий этилди. Улар уч гуруҳ методларидан иборат: 1 - гуруҳ - **ўқиш ва меҳнатга рағбатлантирувчи ва мотивация методлари**; 2 -гуруҳ - **ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш методлари**; 3 -гуруҳ - **ўқув -билиш фаолиятини бошқариш методлари** (23).

Дидактик жараён самарадорлигини ёки педагогик технология мақбуллигини белгиловчи омиллардан яна бири ўқитиш шакллари ўқув фаолияти босқичларига мос ҳолда тўғри танлаш ва уларни оқилона чағиштириш принципи ҳисобланади.

Ташкилий шакллар

Дидактик жараёни ташкил этишда ўқитувчи ўқув-билиш фаолиятининг ташкилий шакллари (5-элемент) ҳам таълим мазмунига мос ҳолда танлай олиши керак. ПТни лойиҳалаш шартларидан бири ҳам “ташкилий шакллар”ни тўғри ташкил этиш саналади. Педагогикада ўқитишнинг ташкилий шакли деганда ўқувчи(талаба)лар ўқитиш жараёнида қўйилган ташқи шарт-шароитлар йиғиндиси тушунилади.

Маълумки, таълим тизимида билиш фаолияти аудиторияда (маъруза, семинар, лаборатория, ўқув маслаҳати, синов, имтиҳон) ва аудиторида ташқарида (уйда, кутубхонада тайёргарлик, лойиҳалаш, тадқиқотчилик, тўғрак ва бошқа) ташкил этилади.

Педагог ўқув фаолияти шакллари танлашда қуйидаги саволларга жавоб топиши керак: дидактик жараён иштирокчиси ким (ўқувчи, талаба, тингловчи) ва у қандай бошқарилиши керак (ўқув фаолиятини ўқитувчи бошқаради, автоматлашган синф ёрдамида ёки бошқа техник воситалар ёрдамида: кино-диафильм, компьютер, модели таълим ва ҳаказо).

Дидактик жараён у ёки бу техник воситалардан таълим мазмунига мос ҳолда узлуксиз қўллашни тақоза этади. Бу йўналиш ПТнинг мавжудлик шартларидан биридир.

Педагог

Педагогик технологиянинг лойиҳачиси ҳам, уни амалиётга жорий этувчи ҳам педагог (6-элемент) ҳисобланиб, малакали мутахассис тайёрлашдек муҳим ижтимоий (давлат) буюртмасини бажаради. Хўш, педагогнинг педагогик тизимда тутган ўрни нимадан иборат?

1. Ўқитувчи давлат буюртмасига мос келадиган таълим-тарбия мақсадини (2-элемент) ташхисланувчан ҳолда аниқ ва равшан белгилаши керакки, натижада ажратилган вақт ичида унга эришишни таъминлайдиган дидактик жараёни тузиш ва жорий этиш тўғрисида ҳулоса қилиш мумкин бўлсин.

2. Ўқитувчи белгиланган таълим мақсадига тўғри келадиган ўқув-тарбиявий жараён мазмунини (3-элемент) саралашда фаннинг абстракция поғоналарини (β) ва ўзлаштириш даражаларига (α) мослигини инобатга олиши зарур.

3. Ўқитувчи педагогик тизимнинг таркибий элементи сифатида дидактик жараёни (4-элемент) тузиш талаблари билан таниш бўлиши ва унинг энг мақбул вариантини ҳар бир дарс мавзусига боғлиқ ҳолда лойиҳалаш керак. Бу талаблар жадаллаштириш ва табиатан монандлик принциpidир. Жадаллаштириш принципи

дидактик масалаларни маълум вақт доирасида бирмунча тез ва юқори савияда ҳал эта оладиган дидактик жараёни қўллашни талаб этади. Таълим ва тарбияда жадаллаштириш принципини аниқлаб берувчи омил ўқувчиларнинг маълум фаолиятни ўзлаштириш тезлиги ҳисобланади. Иккинчи принцип ўқув-тарбиявий жараёни шундай ташкил этишга асосланадики, бунда мумкин қадар ўқувчиларнинг кенг доирада тажриба (билим, қўникма ва ижодий фаолият) эгаллашига имкон туғдирадиган ва уларнинг ақлий заковатини ривожлантира оладиган механизм вужудга келсин.

4. Ўқитувчи дидактик жараёни амалга оширишда ўқитишнинг самарали шакллари (5-элемент) фойдалана олиши зарур. Бу педагогик тизимда элементларнинг маълум қонуният асосида боғлиқ эканлигини билдиради. Бу боғланишлардан фойдаланиш ва мақбул бўлган ташкилий шакллар топиш таълимда расмийчиликни йўқотишга йўл очади.

5. Ўқитувчи педагогик тизимнинг иштирокчиси бўлган ўқувчи (талаба)нинг (1-элемент) таълим мазмунини ва тарбия таъсирини қай даражада эгаллаётганлигини энг мақбул усуллар билан назорат қилиб бориши лозим. Олинган ахборотлар педагогик тизимни мақсадга мувофиқ тарзда бошқариш имкониятини беради ёки педагогик тизимдаги қайси элементнинг мазмунини тузатиш керак эканлигини белгилаб беради.

2.3 Ўқитувчи фаолиятининг технологияланувчанлиги

Педагог бўлганим учунми, ҳар қалай ўқувчилик йилларим, ўқитувчиларим, синфдошларим тез-тез кўз олдимда намоён бўлади. Орадан роппа-роса ўттиз йил ўтибди ... Мактаб қўнғироғи чалиниши билан ҳар куни синфлар минглаб ўқитувчиларни ўзига чорлайди. Мана улар мактаб йўлаки бўйлаб дадил юриб келишяпти, синф эшиги сим-сим очилади-ю ва ... улкан сирли ҳаёт бошланади. Унинг номи педагогик фаолият, педагогик ижод.

Бугун Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун ижодий педагогика, ижодкор ўқитувчига эҳтиёж ниҳоятда ортиб бормоқда. Ажойиб мактаб қурилиши мумкин, ўқув хоналари замонавий жиҳозлар билан безатилиши мумкин, янги ўқув дарсликлари нашр қилиниши мумкин - лекин буларнинг ҳаммаси ҳали етарли эмас. Мактабга ҳақиқий педагог, ўқитувчи - шахс кириб келгандагина улар жонланади, ижодий педагогиканинг машъаласи ўчқунланади, педагогик назария ва тизимлар, кўргазмалар қўлланмалар ҳаракатга келади. Бугун таълим муассасаларига ижодкор ўқитувчилар керак. Президентимиз "замонавий

билим бериш учун, аввало, мураббийларнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак" деганда фидокор педагогларни назарда тутган эди.

Ижодий педагогик фаолият - бу инсон шахсини, унинг дунёқарашини, ишончини, онгини, хулқини шакллантиришга бўйсиндирилган чексиз масалаларни ечиш жараёнидир. Психологик - педагогик адабиётларда педагогик фаолият турлари (таълим берувчи, тарбияловчи, ривожлантирувчи, сафарбарлик, тадқиқотчилик, ташкилотчилик, коммуникатив ва бошқа) қатор олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Шу билан биргаликда педагогик фаолият мунтазам ўзгарувчан, янгиланувчан, ривожланувчанлиги билан ажралиб туради, унга ижтимоий буюртма узлуксиз таъсир кўрсатади.

Ўқув-тарбиявий жараёни илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш вазифаси ҳам бевосита ўқитувчидан ижодкор фаолиятни, қолаверса, ишлаб чиқаришга тегишли бўлган соҳа билимларини талаб этади. Модамики, технология мавжуд экан, уни таълим-тарбияга сингдириш шарт экан, бу жараён қаерда кечиши мумкин, деган савол туғилиши табиий. Жавоб аниқ: у, шаксиз, педагогик корхонада - педагогик ишлаб чиқариш жараёнида рўй беради. Таниқли педагоглардан бири таъкидлаганидек, "бизнинг педагогик ишлаб чиқариш ҳеч қачон технологик мантиқ бўйича қўрилмаган, аксинча ҳар доим ахлоқий ваъз (насихат) мантиқи бўйича қурилган. Шу сабабдан таълимда ишлаб чиқаришнинг барча муҳим бўлимлари шунчалик иштироксиз қоляпти". Ушбу фаслнинг вужудга келиш сабабларидан бири ҳам ана шу ҳолат.

Эндиликда педагогик атамалар таркибига "технология", "операция"(амал), "ишлаш қобиляти", "техник назорат", "допуск" (ўлчам фарқи) каби қатор тушунчаларни киритиш, уларнинг педагогик талқинини яратиш ва бевосита ўқитиш жараёнида қўллаш кундалик заруратга айланмоғи даркор. Замонавий ўқитувчи фаолияти билимларни узатувчи оддий методист сифатида эмас, балки "ўқитувчи - технолог" нуқтаи назаридан баҳоланиши керак.

Технология - бу шахсни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш қонунларини ўзида жо қиладиган ва якуний натижани таъминлайдиган педагогик фаолиятдир. "Технология" тушунчаси регулятив (тартибга солиб турувчи) таъсир этиш кучига эга бўлиб, эркин ижод қилишга ундайди:

- самарадор ўқув-билиш фаолиятининг асосларини топиш;
- уни экстенсив (куч, вақт, ресурс йўқотишга олиб келадиган самарасиз) асосдан кўра интенсив (жадал), мумкин қадар илмий асосда қуриш;
- талаб этилган натижаларни кафолатлайдиган фан ва тажриба ютуқларидан фойдаланиш;
- ўқитиш даомида тузатишлар эҳтимолини лойиҳалаш методига таянган ҳолда йўқотиш;
- таълим жараёнини юқори даражада ахборотлаштириш ва зарурий ҳаракатларни алгоритмлаш;
- техник воситаларни яратиш, улардан фойдаланиш методикасини ўзлаштириш ва бошқа.

Технология мураккаб жараён сифатида қатор ўқитиш босқичларидан, ўз навбатида бу босқичларнинг ҳар бири ўзига ҳос амаллардан иборат бўлади.

Амал - ўқитувчининг синфда мавзу бўйича ўқув элементларини тушунтириш борасидаги бажарган ишлар йиғиндиси бўлиб, ўқитиш жараёнининг шу босқичида тугалланган қисмини ташкил этади. Агар ўқув предметининг ҳар бир мавзуси алоҳида босқич ҳисобланса, шу мавзу бўйича ўқув элементларининг ҳар бири алоҳида амал сифатида қаралиши мумкин. Амал технология асосини ташкил этиб таълим мақсадини режалаштиришда ва амалга оширишда эътиборга олинадиган асосий элемент ҳисобланади. Амаллар бир қатор **усуллардан** иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири **ҳаракатларга** бўлинади. Бошқача қилиб айтганда, бирор бир ўқув элементини тушунтириш учун ўқитувчи самарали таълим воситалари,

методларидан фойдаланиш давомида у ёки бу алгоритмик ҳаракатни мақсадига мос ҳолда аниқ бажаради.

Техник назорат - ўқитувчи (лаборант) фаолиятига тегишли функция бўлиб технологияда иштирок этаётган воситаларнинг техник ҳолатини аниқлаш ва баҳолашдир. Бинобарин, қўлланиш зарур бўлган ўқитишнинг техник (ёки кўргазмали куроллар, тренажерлар ва бошқа) воситаларни машғулот олдидан тайёрлаш ёки ишлатиш жараёнида ўзгарадиган хусусиятларини белгилаб олиш таълим жараёнининг бир текисда, узлуксиз давом этишни, вақтдан самарали фойдаланишни кафолатлайди. Вақт ўтиши билан у ёки бу техник восита кўрсаткичлари ўзгариши, паспортида кўрсатилган миқдордан фарқланиши мумкин. Шу боисдан "допуск" тушунчаси технологияда қўлланилади. Допуск - энг катта ва энг кичик чекли ўлчамлар орасидаги фарқ, ўлчамдир. Дидактик жараёнда фойдаланилаётган ҳар бир техник восита учун допуск майдони - ишлатиш чегараси бўлади. Агар шу чегара бузилса педагогик технология босқичлари сифатига путр этади ёки қўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Демак, ўқитишнинг техник воситасини яроқли ҳолга келтириш чоралари кўрилади.

Допуск тушунчасига, шунингдек, рейтинг тизимида ҳам дуч келишимиз мумкин. Ёқувчи (талаба) билимини баҳолашда чекли баллар миқдори келтирилади: "ўрта" - 55-64,9 ; "юқори" - 65-85,9 ; "жуда юқори" - 86-100. Демак, ўқувчи билимини "ўрта" баҳолашда допуск қиймати - 64,9-55 = 9,9 ва ҳакоза.

Ўқитувчи фаолияти тавсифномасида "технологияланувчанлик" ўзига хос янги тушунча сифатида ўз ўрнини топиши керак. У таълим жараёнининг самарадорлигини, мақбуллигини, илмийлигини янги сифат даражасига кўтарилганлигини белгилаб беради. Ёхуд технологияланувчанлик - бу педагогик жараённинг техникавий куролланганлигини ёки инструменталлик даражасини белгиловчи тик кўрсаткичдир.

Технологияда олдиндан белгиланган мақсадга тўлиқ мос келадиган натижаларни таъминловчи предметли соҳанинг объектив қонунлари ўз

ифодасини топади. Бирок педагогик фаолиятнинг технологик жиҳатлари (техникавий ёки бошқа материалли фаолиятдан фарқланувчи) шахс сифат кўрсаткичларидан, унинг мағзи эса - ҳаяжонли-ахлоқий тажриба элементларидан айри ҳолда бўлиши мумкин эмас.

Педагогик технология инсон онги, тафаккури билан боғлиқ билимлар соҳаси сифатида мураккаб ва ҳаммага ҳам тушунтириш мумкин бўлмаган педагогик жараёни ифода этади. Унинг ўзига хос жиҳати - тарбия муаммосини ҳам қамраб олишидир. Демак, технология самарадорлиги инсон ўзининг кўпқиррали томонлари билан унда қанчалик тўлиқ намоён бўляпти, унинг психологик-касбий жиҳатлари, уларни келажакда ривожланиши (ёки пасайиши) қандай ҳисобга олинияти, деган саволларнинг ечимига боғлиқ экан. Шу жиҳатдан олганда технология шахснинг ривожланиш босқичларини лойиҳалаштириш, ташхислаш каби имкониятларга ҳам эга бўлади. Бу эса ўқитувчининг технологик жараён билан ишлаш қобилиятига боғлиқ.

Ўқитувчининг белгиланган таълим (тарбия) вазифаларини меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган талаблар асосида йўл қўйиладиган чегаравий кўрсаткичлар доирасида бажариш ҳолати ишлаш қобилияти деб аталиши мумкин. Бинобарин, у ёки бу фан ўқитувчисининг маҳоратини аниқлашда унинг фаолияти давлат таълим стандартлари талабларига ва педагогик шартларга нечоғлиқ мос келиши назарда тутилади.

Педагогик нашрларда ўқитувчи фаолиятини баҳолаш учун қатор кўрсаткичлар тавсия этилади, шу жумладан:

1) педагогик натижавийлик - ўқитувчи ўқитган гуруҳида фан бўйича ўзлаштиришининг ўртача қиймати;

2) ўқитишнинг илмийлик даражаси - ўқитувчининг ўқув элементларини фан абстракцияси поғоналари бўйича тушунтириши;

3) таълим мазмунини методик тайёрлаш - умумийлиги, изчиллиги, ҳаракатдалиги, ортиқча эмаслиги каби талабларни эътиборга олиниши;

4) таълимда у ёки бу натижани қўлга киритиш йўлларида самарали фойдаланиш - экстенсив ёки интенсив шароитда ва ҳакоза.

Аслида ижодкор ўқитувчи учун асосий касбий-меъёрий кўрсаткич - бу биринчи навбатда ўз ҳолатини педагогик жараёнда бунёдкор сифатида ҳис этиши ва англаб етишдир. Ўқитувчи ўзининг педагогик фаолиятига хусусий касбий яроқлигини, педагогик воқеликдаги ўз ўрнини баҳолай олмас экан, ундан ҳеч қачон ижодкорликни талаб қилиб бўлмайди. Педагогик фаолиятга кириб келаётган ҳар бир инсон ўзининг унга мосланувчанлигини, қолаверса "инсон-инсон" кўринишдаги касблар тизимига - педагогик меҳнат ана шундай тизим - лаёқати, қизиқиши борлигини тўлиқ тасаввур этиши керак. Бу сифатни аниқлаш йўллари ҳилма-ҳил. Мисол тариқасида қуйидаги тайёр тестни тавсия этиш мумкин (Климов Е.А.):

1. Бошқалар сизни мулоқатда хафа қилиб қўядиган, озор берадиган шахс деб ҳисоблайдими?

2. Сизнинг дилингизда мулоқат натижасида турли эҳтирослардан ҳосил бўлган хафгарчилик ёки хурсандчиликлар узоқ сақланиб турадими?

3. Кайфиятингизда кўтарилиш ва тушиш ҳоллари тез-тез бўлиб турадими?

4. Ўз номингизга қилинган танқиддан оғир ва узоқ азият чекасизми?

5. Сизни шовқин, қувноқ компания чарчатадими?

6. Янги одамлар билан танишганингизда ўзингизда сезиларли даражада қийналиш, уялиш ҳолатлари кечадими?

7. У ёки бу ҳақда ўзга одамлардан сўрагандан кўра китоблар ёрдамида билиб олишингиз енгил ва ёқимлими?

8. Ўзингизда ёлғиз дам олиш, жимжитликда бўлиш истаги тез-тез сезилиб турадими?

9. Сиз гаплашиш тўғри келганда керакли сўзларни узоқ қидирасизми?

10. Сиз кенг даврада янги танишувдан кўра доимий таниш бўлган кичик гуруҳни хоҳлайсизми?

Агар жавоблар кўпчилик саволларга "ҳа" тарзда бўлса, очиғи педагогик фаолият осон кечмайди. Ўқитувчи ўз-ўзини касбий-шахсий тарбия ишлари соҳасида кўп меҳнат қилиши керак бўлади. Энг муҳими, хусусий педагогик фаолият моҳиятини, аҳамиятини ва мақсадини тушуниб етиш, доимий равишда жорий ўқитиш вазифаларини истиқболлилари билан бирга олиб боришни ууддалаши керак. Агар шу қобилият ўқитувчида йўқ бўлса, у яхшигина "бажарувчи" бўлиши мумкин, лекин ҳеч қачон ижодкорлик поғонасига кўтарила олмайди.

Педагогик технология эса ҳар доим таълим мақсадини аниқ ўрнатишдан бошлаб то унинг натижаларини баҳолашгача бўлган босқичларнинг ҳар бири учун ижодий фаолиятни талаб этади. Хўш, ўқитувчи фаолиятининг технологияланувчанлик даражаси қандай мезонлар билан ўлчанади? Фикримизча, бундай мезонлар сифатида қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ташхисланувчан ўрнатилган мақсад - ўқувчи(талаба) томонидан дидактик жараён маҳсули сифатида ўзлаштирилган аниқ ўлчамли тушунчалар, амаллар, фаолият турлари;

- таълим мазмунини ўқув элементлари ёрдамида баён қилишда абстракция поғоналарининг ва ахборотларни ўзлаштириш даражасининг ҳисобга олиниши;

- ўқув материалларни ўзлаштириш босқичларининг етарлича мантиқий қатъиянлиги - дидактик жараён тузилмасига мослиги;

- ўқув жараёнига янги воситалар ва ахборотлаштириш усуллариининг жорий этилиши;

- ўқитувчининг қоидабоп (алгоритмли) ва эркин, ижодий фаолиятидаги мумкин бўлган четга чиқиш чегарасининг кўрсатилиши;

- ўқувчи(талаба) ва ўқитувчи фаолиятида шахсий мотивлашганликнинг таъминланиши (эркинлик, ижодиёт, курашувчанлик, ҳаётий ва касбий моҳият ва бошқалар);

- ўқитиш жараёнининг ҳар бир босқичида коммуникатив муносабатларнинг, ахборот техникалари билан муомала қилишнинг мақсадга мувофиқлиги.

Ўйлаймизки, бу кўрсаткичлар лойиҳаланган ўқув жараёнининг технологик даражасини тўлиқ ифодалайди, амалда жорий этилиши эса ўқитувчини юқори малакали мутахассисга айлантиради, ўқувчи (талаба)нинг нуфузини ҳам бирмунча оширади ва ижодий фаолиятни ривожлантиришнинг янги қирраларини очади. Шу билан биргаликда таклиф этилганлар "ҳақиқатнинг охириги бекати" деган фикрдан узоқмиз, чунки педагогик технологияни лойиҳалаш шунчалик мураккаб жараёнки, у ҳар бир таълим тури, қолаверса, ҳар бир фан учун ўзига ҳос ижодкорликни талаб этади.

Агар ўз педагогик фаолиятинингизнинг ушбу мезонларга мос келишини таъминлаётган бўлсангиз, шубҳасиз, Сиз лойиҳа муаллифисиз. Энди методист-ўқитувчиликдан "педагог-технолог" даражасига кўтарилдингиз. Шундай янги касбий фаолият ҳар бирингизга насиб этсин.

III- қисм. ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ КОНЦЕПЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Педагогик технология Давлат Маркази: давр эҳтиёжи ва муаммолар

Илмий жамоатчилик ва педагоглар тушунчасида “концепция” сўзи бирмунча маънодор - таълимга ёки бирор фанга оид давлат ҳужжати ҳисобланади. Мисол тариқасида “олий профессионал таълим концепцияси”, “умумий ўрта таълим концепцияси”, “меҳнат таълими концепцияси”, “педагогика фани концепцияси” каби меъёрий таълим ҳужжатларини келтириш мумкин. Концепция (лотинча - conceptio) - бу етакчи ғоя, аниқловчи фикр, ҳодиса ва жараёнларни турлича тушуниш, қарашлар тизими каби маъноларни аниқлаштириш ҳисобга олинса, юқоридаги фикрнинг мутлоқлигига маълум даражада путур етади. Аниқроғи, концепция тушунчаси бугунги тилимизда маълум объект тўғрисидаги фикрлар мажмуаси маъносига бемалол ишлатилиши мумкин. Биз “педагогик технология концепцияси” иборасини қўллаганда меъёрий ҳужжат сифатида эмас, балки объектни ҳар томонлама ўрганиш ва ривожлантириш учун зарур бўлган шарт-шароитлар, уларни вужудга келтириш омиллари ҳақидаги хулосаларни илмий асосланишини тушунамиз. Эҳтимол, вақти-соати етиб келиб бу педагогик феномен ҳам давлат ҳужжати даражасида ишлаб чиқирилиши мумкин, буни келажак кўрсатади.

Тезкор вақт кутиб турмайди, ҳаёт чархпалаги ўз қонуниятлари ўқи атрофида айланаверади. Замонавий педагогик технологияларни ўқув-тарбиявий жараёнга жорий этиш вақти ҳам кундан-кун қисқариб бораёпти... Биз эса сиз билан ҳамон бефарқмиз, агар таъбир жоиз бўлса - мудроқ уйқудамиз. Бу ҳолат ҳақли равишда безовталанишига, ташвишланишига сабаб бўлмаяптимики, дея ўйга толасан, киши. Президентимиз Биринчи қақирқ Олий Мажлиснинг XIV сессиясида сўзлаган маърузасиларида “...замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва жорий этишни таъминлашни алоҳида назорат остига олиш зарур”лиги ҳақида куйиниб гапирганларини бир эсланг! Бу кимга қарата айтиляпти?

Таниқли маънавиятшунос Турсуной Содикова таъбири билан айтганда, дўшпини бошдан олиб, мундоқ бир танамизга ўйлаб кўрайлик: бу

муружаатми ёки даъват? Йўқ, иккаласи ҳам эмас, балки педагогик фаолият билан шуғулланаётган ҳар бир киши учун масъулият ва мажбуриятдир.

Фикримизча, бу давлат буюртмаси таълим-тарбия жараёнини ривожланган демократик давлатлар даражасида такомиллаштиришнинг устувор йўналиши бўлиб қолди. Бу буюртма баъзи олимларнинг вақтли нашрларда онда-сонда чоп этилаётган мақолалари билан ёки йил давомида бир-икки марта ўтказилаётган илмий-амалий анжуман тавсиялари, ўқиётган маърузалар билан ҳал этиб бўлмайди.

Янги педагогик технологиялар узлуксиз олиб борилган режали тадқиқотлар натижалари, шунингдек, илғор мактаб тажрибаларини ўрганиш ва уларни технология қонуниятларига мослаштириш каби ижодкор фаолият эвазига яратилади. Ўзб давлатларида бу муаммо Давлат корхоналари фаолиятини йўлга қўйиш ҳисобига ҳал этилапти (қара: 1-дана). Бизда ҳам ривожланган мамлакатлар қатори “Педагогик технология Давлат Маркази”ни ташкил этиш вақти етиб келмадимикин? Нима учун вақтни қўлдан бой беришимиз керак? Бу борада ким, қайси вазирлик ташаббусни қўлга олади? Ахир Юртбошимиз “... алоҳида назорат остига олиш зарур”лигини уқдирапти-ку? Хуллас, саволлар кўп... Ана шу давлат корхонаси ташкил этилсагина, педагогик технология концепцияси “ғилдираги” ҳаракатланади, ўқув юртлирининг жавобгарлиги янада ошади, фан ўқитувчиларининг фаолияти ижодий йўналишга бурилади. Марказнинг бош вазифаси: ҳозирги кунда бир-биридан “изоляция”ланган педагогик тизимлар - мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар, олий таълим фаолиятларида фойдаланиш мумкин бўлган яхлит технологияларни лойиҳалаш, амалиётга жорий этиш ва оммалаштириш каби улуғвор ишларни йўлга қўйган бўларди.

Марказ тузилмаси (5-расм) қуйидаги бўлимлардан иборат бўлиш мумкин: “янги педагогик технологияларни лойиҳалаш”, “ўқув жиҳозлари ва ўқитишнинг техник воситаларини (ЎТВ) лойиҳалаш ва ишлаб чиқиш”, “ҳалқаро ҳамкорлик”, “илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва технология қонуниятларига мослаштириш”, “педагогик технология” журнали

тахририяти. Бу бўлимларнинг зарурати тўғрисидаги фикрларни изоҳлашга ҳаракат қиламиз.

5 - расм. Педагогик технология Давлат Маркази тузилмаси.

1. Янги педагогик технологияларни лойиҳалаш бўлими. Янги технологиялар ўқув жараёнини илмий асосда қуришни талаб этади. Яқинда ўтказилган бир илмий анжуманда ҳамкасбим “нима, ҳозир ўқув жараёни илмий асосда қурилмаяптими? деган саволни ўртага ташлади. Унга жавоб ҳам қисқа ва аниқ бўлди: “йўқ”. Бу “йўқ”нинг мағизи шундан иборатки, ҳозир таълим муассасалари фаолиятида ПТ қонуниятларига таянган ўқув-тарбиявий жараён ташкил этилмаяпти. Бу қонуниятлар моҳияти билан сиз юқорида батафсил танишдингиз: ташхисланувчан мақсад, таълим мазмунининг абстракция поғоналарида баён этилиши, ўқув материалларини ўзлаштириш сифати, дидактик жараён тузилмаси, объектив назорат ва бошқа.

Кўпчилик ўқув жараёнини илмий асосда ташкил этиш деганда тор маънода, яъни ўқитишнинг илмийлик принципини назарда тутишади. Илмийлик принципи бошқа дидактик принциплар қаторида ўз хусусий жиҳатларига эга: илмий атамалардан, таърифлардан, тушунчалардан фойдаланиш, ҳодисаларни очиш тарихи, унинг тикланиш ва ривожланиш истикболлари ва бошқа.

Янги технология нуктаи назаридан педагогик жараёни илмий асосда ташкил этиш ўқитувчидан маълум ўқув вақти чегарасида мавзу бўйича белгиланган ўқув элементларини ўқувчи томонидан ўзлаштирилиши учун энг мақбул дидактик жараёни қуриш маҳоратини талаб этади. Дидактик жараён эса ҳар қандай педагогик технологиянинг асосини ташкил этишини юқорида эслатган эдик.

Бўлим фаолиятидаги устувор йўналиш - бу саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқа, тиббиёт, иқтисодиёт каби соҳа технологияларини дидактик таҳлил қилиш ва имкониятларини баҳолаш асосида янги педагогик технологияларни лойиҳалаш ҳисобланади. Бу ерда, албатта, лойиҳаланган янги технологиялар ўз мазмуни ва тузилмасига кўра таълим муассасаларининг ўқув дастурларига, ўқувчи ёки талабанинг ўзлаштириш имкониятлари ва ёшлиқ хусусиятларига мос келиши шарт. Лойиҳада янги технологияларнинг сифат кўрсаткичлари ҳам назардан четда қолмаслиги керак.

Шундай қилиб, бўлимда янги педагогик технология муаллифлари - педагогика фанининг билимдонлари фаолият кўрсатишади ва ўз лойиҳаларининг сифатини аниқлаш учун таълим муассасаларида тажрибалар ўтказишади. Фақат тажриба-синовдан муваффақиятли ўтган лойиҳаларгина янги технология сифатида тан олинади ва Марказ томонидан педагогик амалиётда қўллаш учун тавсиялар беради.

2. Ўқув жиҳозлари ва ўқитишнинг техник воситаларини лойиҳалаш ва ишлаб чиқиш бўлими. Марказда бу бўлимнинг фаолият кўрсатиши фан ва техниканинг жадал суръатларда ривожланиши ва унга мос ҳолда ахборотлар ҳажмининг кескин кўпайиб бориши билан боғлиқ. Инсон мияси турли хил ахборотларни турли даражада қабул қилиш қобилиятига эга, бу эса маълумотларни енгил, эркин ва қизиқарли узатишни талаб этади. Техник воситалардан дарс жараёнида самарали фойдаланиш дидактика муаммоси ҳисобланиб, асосан, кўрсатмалилик принципини таъминлаш борасидаги фаол ҳаракат, усул деб баҳолаш мумкин.

Таълимда кўрсатмалилик зарурати билиш жараёнининг характери, яъни жонли мушоҳададан абстракт тафаккурга, ундан кейин эса амалиётга ўтиши билан боғлиқ. Педагог ва психологларнинг таъкидлашича, сезги, қабуллаш, тасаввур қилишдан ташқарида фикрлар ҳаракатланмайди, шунингдек, ўқитиш жараёнида ҳам олға силжиш бўлмайди. Кўрсатмалилик фақатгина онга таъсир этиш билан чегараланмасдан ўрганувчидан маълум ҳис-ҳаяжонни, мотивни ҳам юзага чиқаради. ҳис этиш ва мантикий фикрлаш бирлиги асосидагина эгалланган билимлар мустаҳкамланади.

Бугун таълимни ривожлантиришнинг янги поғонасига ўқитишнинг техник воситаларисиз (ЎТВ) кўтарилиб бўлмайди ёхуд ПТнинг муҳим сифат кўрсаткичларидан бири- ахборотларни ўқувчи(талаба)ларга узатиш тезлиги айнан шу воситалар ёрдамида таъминланади. ЎТВ фақат кўрсатмалилик принципини таъминлайди, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. ЎТВ деганда биз экранли ва овозли воситаларни намойиш қилиш учун қўлланиладиган қурилмалар, мосламалар билан биргаликда замонавий дастурли таълимнинг у ёки бу кўринишларини (компьютер, электр алоқа ва бошқа) ҳам тушунамиз. Бу дидактик воситалар маълум даражада умумийликка эга бўлиб, ҳозирги кунда барча таълим босқичларида - болалар боғчасидан тортиб университет аудиторияларида кенг фойдаланилмоқда. Бу йўналиш XXI асрда яна ҳам ривожланади ва ҳар бир таълим корхонасида ахборотлар мониторинги вужудга келади.

Хўш, ЎТВни лойиҳалаш ишлари билан нима учун ПТ Маркази шуғулланиши керак? Республикамизда бу муаммо билан шуғулланаётган институт ёки илмий корхона мавжудми? Мактаб ёки бошқа ўқув юртлари учун ўқув жиҳозлари ишлаб чиқадиган завод ишлаб турибдими? Бугун бу саволларга аниқ жавоб топиш керак бўлади, чунки улар Миллий дастурда келтирилган таълимнинг янги моделини ҳаётга тадбиқ этиш даражаларини белгилаб беради. Собиқ иттифоқ Педагогика Фанлари Академияси таркибида “ЎЖ ва ЎТВ” (ўқув жиҳозлари ва ўқитишнинг техник воситалари) илмий тадқиқот институти 1965 йилдан бошлаб фаолият кўрсатаётган эди.

Эндиликда бу институт Россия Таълим Академияси тасарруфида ишлаб турибди ва илмий жиҳатдан асосланган ва меъёрларга мос келадиган ўқув жиҳозларини, техник воситаларни яратиш ҳамда заводларда ишлаб чиқиш учун тегишли буюртмалар тайёрлаш, улардан фойдаланиш методикаларини лойиҳалаш билан машғул.

Ачинарли томони шундаки, мамлакатимиз ўқув юртларидаги мавжуд техник воситалар ниҳоятда эскирган, фойдаланиш имкониятлари деярли йўқ бўлганлиги учун бир четда чанг босиб ётибди. Республикамизда эса бирор илмий тадқиқот институти бу муаммо билан шуғулланаётгани йўқ. Ахир «ТВ - бу фақат компьютерлардан иборат эмас-ку?! қачонгача уларни четдан харид қилиш мумкин? «қувчилар психо-физиологияси ва гигиеник талабларга жавоб бера оладиган жиҳозлар ва мосламалар лойиҳаларини яратиш илмий тадқиқот натижалари асосида амалга оширилади. Бундай лойиҳалар фикримизча, Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти таркибида ҳамда Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институтида махсус лабораториялар ташкил этишни тақозо этади. «қув жиҳозлари ва «ТВнинг энг мақбул лойиҳалари асосида тегишли заводларда намуналар яратиш ва уларни ўқув юртларида тажриба-синовдан ўтказиш, шундан кейингина серияли ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш керак бўлади.

Педагогик технология Давлат Маркази ҳам барча таълим корхоналари учун умумий бўлган зарурий жиҳозлар лойиҳаларини тайёрлаш ва шу асосда таълим жараёнини ташкил этиш технологияларини ҳисобга олган ҳолда заводлар билан ҳамкорликни йўлга қўйган бўларди. Бу жараён чет эл тажрибаларини ўрганиш билан бевосита боғлиқдир.

3. Халқаро ҳамкорлик бўлими. Бу бўлим бажариши лозим бўлган вазифаларни чамаласак: 1. Маориф соҳасидаги халқаро ташкилотлар фаолиятини ўрганиш. Биринчи навбатда, ЮНЕСКО ва Халқаро Маориф бюроси, шунингдек, Парижда жойлашган “Таълимни ривожлантириш Халқаро институти” фаолиятларини кузатиш ва ҳамкорлик қилиш. 2. Таълим тўғрисидаги мавжуд Жаҳон меъёрий ҳужжатларини (Инсон ҳуқуқлари

Декларацияси, Бола ҳуқуқлари тўғрисида Декларация, Таълим соҳасидаги дискриминация билан курашиш ҳақидаги Конвенция ва шу каби 30 дан ортиқ халқаро ҳужжатлар) ўрганиш асосида таълимни ривожлантиришнинг глобал ва минтақавий йўналишларини белгилаб олиш. 3. Жаҳон таълими тизимидаги янгиликларни, Халқаро конференциялар материалларини ўрганиш ва йирик мутахассислар билан ишчи йиғилишлар ўтказиб, таълимни башоратлаш ва режалаштириш назарияси ва амалиётининг долзарб муаммолари устида фикр алмашиш. Бу бўлим зарурати Миллий Дастурда белгиланган “Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик” талабларига тўлиқ мос келишини таъкидлаш жоиз ва бу соҳада мамлакатимизда катта ҳажмдаги тадбирлар белгиланганлигини ва амалга оширилаётганини ҳам тан олиш керак.

4. Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва технология қонуниятларига мослаштириш бўлими. Педагогик тажрибаларни ўрганишдан мақсад ўқитувчиларнинг серқиррали ва мураккаб фаолиятидаги янгиликларни аниқлаш билан биргаликда илмий тадқиқот методи сифатида назария ва амалиёт бирлигини таъминлашга йўналтирилади.

